

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ОЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

Тасдиқлайман

доц. А.У.Астанов
Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети декани в.б.
«_____» «_____» 2012 й

5610100 – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: *«Фермер хўжаликларида ўсимликчилик
махсулотлари ишлаб чиқаришни
оптималлаштириш ва унинг самарадорлиги».*
*(Ургут тумани фермер хўжаликлари
мисолида)*

Бажарувчи: Иқтисодиёт ва
бошқарув факультети, Фермер
хўжалигини башқариш бўлим
4 – босқич 408 гуруҳ талабаси:
Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент:

Тиллаев Махмуд

Усмонов Р.

Битирув малакавий иш
муҳокама қилинди ва ДАКга
ҳимояга рухсат берилди.
Олий математика ва ахборот
технологиялари кафедраси
мудири, и.ф.н., доц.
_____ 2012 йил.

Урдушев Х.

Самарқанд - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
АСОСИЙ ҚИСМ	7
I. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.	7
II. Ургут тумани фермер хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий тавсифи	16
2.1. Туманнинг жойлашуви, ихтисослашганлиги ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати	16
2.2. Туман фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлили.	23
2.3. Туман фермер хўжаликларининг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш	25
III. Туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлиги.	30
3.1. Тумандаги фермер хўжаликларида ғалла ишлаб чиқаришни ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили	30
3.2. Туман хўжаликларида тамаки ишлаб чиқаришни ҳозирги ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили	36
3.3. Молиявий иқтисодий инкирозга қарши белгиланган чора тадбирларни амалга ошириш фермер хўжаликларини самарали ривожлантиришни асосидир	43
IV. Туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлиги	46
4.1. Фермер хўжаликларида экин майдонларидан фойдаланишни оптималлаштиришда иқтисодий-математик моделларни қўллашнинг самарадорлиги	46
4.2. Ургут тумани экин майдонларининг таркибини оптималлаштириш масаласини сонли иқтисодий математик ва матрицали моделлари.	50
4.3. Туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлиги.	55
V. Хаёт фаолияти хавфсизлиги	59
Хулосалар	61
Таклифлар	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67
Иловалар	71

КИРИШ

Жорий йилда она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги энг буюк ва қутлуғ саналардан бири – Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шонли байрами кенг нишонланади. ««2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли марузасида қуйидагиларни таъкидладилар:

Энди, рухсатингиз билан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларимизнинг натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011-йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион дондан зиёд тухум тайёрланди.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни

хисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак.». [11]

Мавзун илмий - амалий асослаш. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизими-иқтисодиёт яхлит тизимининг узвий таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиши, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг барқарорлашиши ва ўсиб боришини таъминлаш кўп жихатдан муҳим ишлаб чиқариш воситаси, қишлоқ хўжалигида эса асосий ишлаб чиқариш воситаси, такрор ишлаб чиқарилмайдиган ва ўрни алмаштирилмайдиган ресурс ҳисобланадиган ердан фойдаланиш тизимининг ўзига хос масалаларини тадқиқ, этишга объектив боғлиқ бўлмоқда.

Кейинги йилларда ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ерларга органик ва минерал ўғитлар солишда уларнинг миқдорларига амал қилиш, шунингдек мелиоратив тизимлар ҳолатини яхшилаш борасида кескин чоралар кўриш, ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасини ошириш, ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун иқтисодий ва технологик асослаб ўтказилиши ва ерлар унумдорлигининг пасайишининг олдини олиш зарурияти келиб чиқмоқда.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда ер муносабатларини ислох; этишнинг асосий мақсади-иқтисодиёт тармоқларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришиш, ердан фойдаланувчиларни ердан оқилона фойдаланишга етарли даражада рағбатлантириш, унинг унумдорлиги ошишини таъминлаш ҳамда унумдор ерларнинг ер оборотидан чиқиб кетишининг олдини олиш учун ердан фойдаланиш

тизимини ислох этишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш лозим бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилгандир. Ислохотларнинг асосий тамойили халқимиз манфаатини химоя қилган ҳолда, иқтисодий тадбирларни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида босқичма-босқич бажаришдан иборатдир.

Президент Ислон Каримов раҳбарлигида мамлакат қишлоқ, хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар салмоқли натижалар бермоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига, унинг «локомотиви»га айланган фермер хўжаликлари пахтанинг ялпи ҳажми, буғдой, шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ, хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини етиштирилишини ишончли тарзда таъминламоқда.

Вилоятимиз ҳокими таъкидлагандек қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастурининг самараси улароқ 2010 йил ҳам барча соҳаларда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Фермерлар мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланмоқда. Фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Буни Самарқанд вилоятидаги фермерлар фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони фермерлар учун янада кенг имкониятлар яратди. Ўтган йили Самарқанд вилоятидаги фермер хўжаликлари ерларининг мақбуллаштирилиши туфайли уч мингдан ортиқ фермер хўжалиги зарур моддий-техник база ва ишчи кучига эга бўлган фермер хўжаликларига бирлашди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга

оширилаётган ислохотлар жараёнида фермерларнинг ердан самарали фойдаланиш ва даромад олиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятларини кенгайтиришга алохида эътибор қаратилмоқда. Натижада қишлоқларимизда иқтисодий жihatдан бақувват, керакли техника ва моддий ресурсларга эга, тасарруфидаги ердан самарали фойдалана оладиган ва энг мухими, одамларнинг ишончини оқлашга қодир фермерлар шаклланди.

Бугунги фермер ишбилармон ва тадбиркор, ўз техникасига эга бўлиши, етиштирган махсулотини қайта ишлаши, қишлоққа саноатни олиб кириши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фермер хўжаликлари майдонларининг оптималлаштирилиши бу борада фермерларга катта имконият яратди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, ердан фойдаланишнинг ўзига_яраша талаби, ташвишлари бўлади, катта ернинг даромади ҳам катта бўлишини деҳқонлар яхши билишади. Кичик ер майдонига эга фермерлар хўжалик моддий-техник имкониятларини кучайтириш, ишчилар манфаатдорлигини оширишда қийинчиликларга дуч келгани кузатилди.

Ўтган йили ана шундай фермер хўжаликларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, йирик хўжаликларга бирлаштирилди. Жумладан, бизга ҳам учта фермер хўжалигининг 235,6 гектар ери қўшилиб, жами экин майдонимиз 19689,7 гектарга етди.

Фермер хўжаликларида моддий–техника ресурсларидан фойдаланишнинг қандай даражада йўлга қўйилиши махсулот таннархини пасайтириш ва фермер олдидаги фойда миқдорини оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Фермер хўжаликларнинг фойда билан ишлаши учун кўплаб омиллар ичида ер ресурсларидан оптимал фойдаланиш бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади. Ер қишлоқ

хўжалигида моддий ресурслар асосини ташкил этиб, алохида хўжаликлар доирасида ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари табиий унумдорлиги масаласига иқтисодий ҳисоб-китоблар билан, бошқача айтганда уларга оптимал ёндашишни талаб этади. Шу сабабли ушбу мавзунинг долзарблиги инобатга олиб биз ўз ишимизда унга янада ойдинлик киритишни мақсад қилиб қўйдик.

Асосий қисм.

I. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётини белгиловчи асосий соҳа бўлса ўсимликчилик тармоғи эса унинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш республика агросаноат тузилмаларининг деҳқончилик тармоғини самарали ривожланишини таъминлайдиган ва у билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтирадиган ишлаб чиқариш механизмини ҳаракатга келтириш барча турдаги ресурслардан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш ва умуман деҳқончилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу тадбирлар биринчи навбатда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий ва етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган деҳқончилик тармоғига ҳам бевосита дахлдордир.

Маълумки деҳқончилик қишлоқ хўжалигининг асосий ва муҳим тармоғи бўлиб халқимизни зарур озиқ – овқат маҳсулотлари: гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва шу қабилар билан саноатни эса айрим ҳолда ашё турлари билан таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини илмий асосда аниқлаш жараёни ўта мараккалигини инобатга олсак бу жараённи амалга оширишда бугунги куннинг талабларига тулиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари ва иқтисодий математик усуллардан янада унумли фойдаланишни тақозо этади. Бу борада амалга

ошириладиган ишларнинг барчаси бир ерга бориб таъқалади. Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлагандек қишлоқ хўжалигида ислохат юришмаса ҳеч қайси соҳада ўзгариш бўлмайди. Мамлакатимизда кенг миқёсида олиб борилаётган кенг миқёсли иқтисодий ўзгаришлар табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласини ҳам биринчи навбатга қўймоқда десак хато бўлмайди. Бунга ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва тиклаш, илмий жихатдан асосланган аниқ чора – тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш ўта муҳимдир. Маълумки бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерлари планетамиз умумий қуруқлигининг 10 % ига яқинини ташкил этади, ёки бошқача айтганда 15 миллион км². шу билан бирга анна шу ернинг 10 % ига яқинини шудгорладиган, 17 % га яқини утлок ва пичанзорлар, 23 % га яқинини ўрмонзорлар билан қопланган бўлса, 8 % и аҳоли пунктларини бошқача айтганда агросаноат мажмуида тўла қонли фойдаланиш учун яроқсиз ва охири 42 % ерлар етарлича иссиқ ва ёғингарчиликларсиз сабабли қишлоқ хўжалик мақсадларида тўлақонли фойдаланиб бўлмайди. Худди шундай маълумотларни республикамиз бўйича ҳам келтириб ўтиш мумкин. Республикамизнинг умумий ер фонди 4 миллион 300 минг гектарни ёки умумий ер фонlining 9,6 % ни ташкил қилади. Бу заминда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90% дан ошиқроғи етиштирилмоқда. Айти пайтда ана шу жойларда унумдорлик даражасини пасайтирувчи бир қатор салбий жараён кечмоқда.

Республика Ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотларига кўра суғориладиган хайдалма ерларнинг 64,6 % и турли даражада шўрланган, 64,5 % шамол эрозиясига учраган, 18,8 %и суғориш ва сув эрозиясига учраган.

Бошқача айтганда кейинги 15 йил мобайнида суғориладиган хайдалма ерлар майдони 6,5 % дан кўпроққа камайган, ўртача ва кучли шурланган ерлар майдони 11% га ошган. Агарда шу ва шунга ўхшаш далилларни келтираверсак уларни исталганча санаш мумкин. Ушбу мақсадларни

қисман бўлсада амалга ошириш учун ердан самарали фойдаланишни такомиллаштиришда хозирги замон ахборот технологияларидан ва иқтисодий математик моделларни қўллашни муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Буни биз аниқ хўжалик мисолида экин майдонларини таркибини оптималлаштириш орқали амалга ошириш жараёнини келтириб ўтмоқчимиз. Маълумки экин майдонларини таркиби фақат агротехник тадбир бўлиб қолмасдан балки энг муҳим ташкилий иқтисодий тадбир ҳам ҳисобланади. Ўсимликчилик маҳсулотларини қишлоқ хўжалик корхоналарида талаб даражасида ишлаб чиқаришни максималлаштиришда танланган иқтисодий математик модел албатта ижобий ўрин эгаллайди. Қуйида ишни бажариш давомида фойдаланилган адабиётларни қисқача шарҳини келтирамиз:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”–Т:Иқтисодиёт 2009-120б.

Президентимиз ушбу асари Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига кўра таълим тизимида жорий қилинаётган махсус ўқув курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўналишлари ва чоралари” номли асарининг асосий мазмуни баён этилган.

Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, устивор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида

талабаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритилиб берилган.

2.Каримов И.А-Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сўзлаган нутқ 1997 йил 25-декабр. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.

Асарнинг туб моҳияти, Олий Мажлис Х-сессияси кун тартибига, бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда, улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган – қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласини киритилиши ва унга мукамал, ҳар томонлама илмий асосланган ечимлари Мухтарам Президентимиз томонидан тақдим этилишидар деб ўйлайман.

Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида “Бугун қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга эътибор берганимиз албатта бежиз эмас” деб таъкидладилар. Агарда И.А.Каримов, қишлоқда хўжалик юритиш механизми мутлақо янги асосларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб китобларни янги тизимини ишлаб чиқилганлигини ва жорий этилганлиги ва шу каби бир қанча муҳим масалаларга тўхталиб ўтганлар.

Бу асарни мен ўз битирув ишимни бажариш жараёнида дастури амал сифатида фойдаландим ва кейинги ишларимда ҳам бу асар бизларга асосий иш қуролимиз бўлиб қолади.

3.Каримов И.А. «2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Zarafshon, 2012 йил 21 январь.

4.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида/– Т.: «Ўзбекистон», 2011. Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1989-1991 йиллар оралиғида қилган маъруза ва

нутқлари асосида тайёрланган бўлиб, унда Юртбошимизнинг ўша машъум йилларда сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-мафкуравий соҳаларда, шу билан бирга ўзбек халқининг асрий орзуси бўлмиш давлат мустақиллигини қўлга киритиш йўлида амалга оширган матонатли меҳнати, моҳирона сиёсати, фидокорона кураши билан боғлиқ тафсилотлар ўрин олган.

Шунингдек, асарда фактик материаллар асосида мамлакатимизнинг хуррият оstonасида турган кезларида собиқ шўроларнинг халқимизга нисбатан амалга оширган қабих ва разил ниятлари, мамлакат раҳбарига нисбатан уюштирган фитна-бўхтонлари ва шундай таҳликали вазиятда юртимизнинг истиклолга эришгани тўғрисидаги воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Биз ҳам ўз битирув малакавий ишимизда ушбу асардан дастур сифатида фойдаландик.

5.Жўраев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхонларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент. “Истиклол”, 2004 йил.

Мазкур дарслик йирик 345 саҳифани ўз ичига олади. Таниқли олим, устоз, профессор, иқтисод фанлари доктори Ф.Жўраевнинг ушбу йирик асари менинг битирув ишимнинг мавзуси бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарсликнинг биринчи бўлими Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий асосларига бағишланган бўлиб унда фаннинг мазмуни ва вазифаларга, турли хил мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий иқтисодий асосларига тўхталиб ўтилган. Айниқса дарсликнинг иккинчи бобида биз учун ўта муҳим бўлган шароит, фермер, деҳқон ва ижара хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари ҳар томонлама ва чуқур асослаб берилган. Кейинги учинчи бобда хўжалик юритишнинг тизими ва тушунчаларига ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида бозор ишининг механизмларига тўхталиб ўтганлар. Умуман олганда устозимиз, профессор Ф.Жўраевнинг ушбу асарида мен ўз малакавий битирув

ишимни дастур сифатида фойдаландим. Сабаби мазкур дарслик қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкилий хўжалик асослари хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шугуллантириш ва ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий иқтисодий асослари, бизни режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари мукаммал акс эттирилган.

6.Жўраев Ф.Ж. ва бошқалар. Фермер хўжаликларининг айрим ташқи иқтисодий хўжалик юритиш механизмларидан фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар. Фарғона. 2006й.

Устозимиз, профессор Ф.Ж.Жўраев ушбу илмий мақоласида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш даврига қараганлиги, улар ўз фаолиятларини хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган тамойиллар асосида ривожлантириш, моддий ва мулкый жавобгарлик, тадбиркорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик рақобат жараёнида ҳаракат қилиш қабилан ёрдамида ташкил этилганлигини асослаб берган.

Шу билан кўплаб таклифлар ҳам келтирилганки улар фермер хўжаликларида ички хўжалик юритилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имконият яратиб беради.

7. Исмоилов А, Муртазаев О, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Дарслик. Тошкент. 2005 йил

Қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари товар пул муносабатлари, мулкчиликни ташкил

топиш хусусиятлари, ресурслар потенциали, уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари иқтисодиётининг долзарб муаммоларини ўрганиш хусусиятлари ушбу дарсликда кенг ёритилган.

8. Қудратов Т.Қ. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили (методик қўлланма) Самарқанд 2006.

Ушбу қўлланма кириш ва 8 та бободан иборат унда фермер хўжалигининг тавсифи, унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари етарлича асослаб берилган. Қўлланманинг иккинчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни натижаларининг таҳлили деб номланиб унда таҳлилнинг аҳамияти ва мақсади, ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили, экин майдонларининг структурасини ўзгартиришнинг ялпи ҳосилнинг ўзгаришига таъсирининг таҳлили, экин майдонларининг маҳсулот миқдорининг ўзгаришига она момлар структураси ўзгаришининг таъсирини таҳлили ва бобни якунида эса ўртача маҳсулдорликнинг омилли таҳлили, уни ошириш имкониятлари тўлиқ ёритилган.

Навбатдаги боб ер-сувдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлиliga бағишланган бўлиб умр қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишни самарадорлиги тўлиқ таҳлил қилинган. Қўлланманинг кейинги бобларида меҳнат унумдорлиги ва унинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсири, фермер хўжалиги тўлов қобилиятининг таҳлили ушбу қўлланмада тўлиқ келтирилган бўлиб мен ўз малакавий битирув ишимда ундан унумли фойдаландим.

9. Ахроров Ф. Тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияси. Самарқанд 2006 йил. Мазкур диссертация кириш ва 3 та бўлимдан иборат бўлиб биринчи бўлимда Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий

асослари ўрганилган. Бунда Ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий асослари ва уни оширишнинг объектив зарурияти ҳамда Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услублари келтирилган. Иккинчи бўлим Бозор муносабатлари шароитида тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик даражаси ва унинг ўзгаришини ўрганишга бағишланган бўлиб унда қуйидагилар тўлиқ таҳлил этилган: Тамаки ишлаб чиқаришда табиий ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти.

Ишлаб чиқарувчилар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар.

Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлиги даражаси, динамикаси. Охирги бўлимда Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий иқтисодий омиллари ва имкониятлари ўрганилиб. Тамакичиликда ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятлари.

Тамакичиликда меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш.

Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари тўлиқ ва атрофлича таҳлил этилган. Биз ўз битирув малакавий ишимизда ундан унимли фойдаландик.

10. Абдукаримов Д.Т. Умурзоқов Э.У. Тамакичилик. Тошкент «Меҳнат» 1985. Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистонда тамаки етиштириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар жумладан: унинг тарқалиши, морфологияси, биологияси, классификацияси, агротехникаси, хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ферментациялашга доир материаллар баён этилган. Шунингдек унда фан ютуқлари ва техника тараққиётига асосланган ҳолда тамакичиликда илғор технологиянинг айрим элементларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга доир масалалар ҳам кенг ёритилган.

11. Орипов Р.О, Халилов Н.Х. “Ўсимликшунослик” Дарслик. Самарқанд. 2005й

Мазкур дарсликда ўсимликшуносликнинг, хусусан, ғаллчилик ва тамакичиликнинг назарий асослари, маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари ва уларнинг шаклланиш шароитлари, биологик азот, ўсимликларнинг оптимал намлик билан таъминланиши, ўсимликларнинг фотосинтез фаолияти, аралаш ва қўшиб экилган ўсимликларнинг мутаносиблиги, уруғшунослик, сўнгги йиллигидаги ислохотлар, ўзгаришлар ҳамда фандаги ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда ёритилган.

12. А.Алтиевнинг “Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми” га бағишланган монографияси (“Фан” нашриёти, 2009й.)

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ер бозорининг шаклланиши, аграр секторда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимида амалга оширилган ислохотлар натижалари, ер ресурсларини хусусийлаштириш ва ер мулкчилигининг капиталлашуви каби масалалар қаралган.

Биз ушбу монографиядан ўз мавзумизни ёритишда тўлиқ фойдаландик.

13. Қудратов Ғ. “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар”. Монография. Т.2010й.

Монографияда Республикамизда мустақиллик йилларда ғаллачилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан мустақиллигига эришиш Дастурининг амалга оширилиши ва бунда ғалла навларини яхшилаш ҳосилдорлигини ошириш майдонлардан самарали фойдаланиб ғалла ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши ва бошқа маълумотлар умумлаштирилиб, илмий тадқиқ этилган. Ғалла етиштириш, тайёрлаш ва сотиш тизимида бозор тамойилларини жорий қилиш, ғаллачилик мажмуаси корхоналарида

иқтисодий самарадорликни белгилашга илмий-амалий асосланган услубда ёндошиш тавсия этилган.

14. Н.Қаюмованинг “ФАН” нашриётида 2010 йилда чоп этилган. “Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти” номли монографиясида мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг янги илмий тадқиқотлар ва инновацияларга асосланган сифат босқичи хусусиятлари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда миллий инновацион тизимининг аҳамияти, замонавий таълимнинг иқтисодий ривожланиш омилига айланиши Республикамизда компьютерлардан фойдаланиш ва ахборот коммуникация технологияларининг истиқболлари кенг тадқиқ этилган. Шунингдек рисолада иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик моделлаштириш, уларни математик услублар ёрдамида сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этиш муаммолари, янги ғоялар ва инновациялар яратиш жараёнларининг эконометрик моделлари ҳамда янги иқтисодий ўсиш модели таклиф этилган ва амалиётда синаб кўрилган меделлар негизида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

II. Ургут тумани фермер хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий тавсифи

2.1. Туманнинг жойлашуви, ихтисослашганлиги ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати

Ўрта Осиёнинг Зарафшон водийси ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг Ургут, Тожикистоннинг Айний ва Панжикент туманларини олиб, Зарафшон дарёси воҳасининг чап қирғоғи ҳамда Помир-Олий тоғ тизимига қирувчи Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий ва Туркистон тоғ тизмасининг жанубий қияликларида жойлашгандир. Ўзбекистон ҳудудига Зарафшон тоғ тизмасининг унчалик узун бўлмаган

қисми (100 км) кириб, у Самарқанднинг жануби-ғарбида жойлашган Кешкутан тоғи билан якунланади.

Ургут тумани Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақикалон ва Қоратепа тоғларининг ён бағирларида, денгиз сатҳидан тахминан 1000 метр баландликда жойлашган. Шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари Чақикалон ва Қоратепа тоғлари, адирлар ва қирлар билан банд. Шимолий ва марказий қисмлари паст-баланд текислик бўлиб, бир қанча сойликлар бор. Тоғ ён бағирлари сланец ва оҳактошли қоялардан иборат. Адирлар ғовак ва буш чукинди жинслардан таркиб топган, шу туфайли сойлар унчалик чуқур бўлмаган кенг водийларни ташкил этади.

Зарафшон дарёси Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларини олган Матчи тоғ тугуни музликлари ва қорларидан бошланиб, Самарқанд воҳаси учун асосий суғориш манбааси бўлиб хизмат қилади.

Зарафшон водийси қадим даврлардан юқори унумдорлиги ва деҳқончилик маданияти билан машҳур бўлган. Водий табиий шарт-шароитларга кўра уч ҳудудга бўлинади : тоғли, тоғ олди ва текислик.

Тоғли ҳудуд ўз ичига ўртача баландликдаги тоғлар ва уларнинг нисбатан катта бўлмаган қияликларини олади. Ҳудуднинг мутлоқ баландлиги шарқ томонда 1890-2800 метр ва ғарб томонда 1690-1740 метр атрофида бўлиб, унинг пастки чегараси шарқий томонда денгиз сатҳидан 1500-1700 метр баландликда ўтади. Тоғ ҳудуди рельефининг мураккаб шароитлари деҳқончиликнинг кенг ривожланишига имкон бермайди ва ҳудуднинг фақат пастки қисмида текис юзага эга айрим майдонлар учрайди. Бу майдонларда кўпроқ бошоқли экинлар экилиб, ҳудуднинг юқори қисми асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Паст тоғлар ва тоғ олди ҳудуди Зарафшон тизмасининг шимолий ва Туркистон тизмасининг жанубий қияликларининг тоғ ҳудудидан кўйида жойлашган қисмини олиб, унинг баландлиги денгиз сатҳидан 1000-1300 метр юқорида тебранади. Шимолда, Ўзбекистон қисмида ҳудуд Зарафшон дарёсининг кенг воҳасига ўтиб, ҳам кенглик, ҳам меридиан йуналишларда рельефи

юмшоқроқ бўлган ва қадимдан лалми деҳқончилик ривожлантириб келинган қия тоғ олди водийсини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг Зарафшон водийсидаги тамакичилик зонаси Ўрта Осиё ва Қозоқистоннинг бошқа зоналаридан тупроқ қатламининг тавсифи билан фарқланади.

Зарафшон водийсида бўз тупроқнинг қўйидаги типлари энг кенг тарқалган: оч, типик, тўқ ва тўқ кучсиз ишқорланган. Тамаки оч, типик, тўқ турли тупроқларда етиштирилади.

Оч бўз тупроқлар денгиз сатҳидан 400-450 метр баланд бўлган тоғ олди текисликлари ва 600—700 метрдан баланд бўлмаган қирларни эгаллаб, гумус миқдорининг пастлиги (1-1,5%) ва карбонат ҳамда гипс қатламларининг яқин жойлашганлиги билан тавсифланади.

Типик бўз тупроқлар баландлиги 1000-1200 метргача бўлган адирларни эгаллайди. Гумус миқдори уларда юқорироқ бўлиб (1,5-2,5%), карбонат қатлами 0,4-0,8 метргача, гипс қатлами эса 1,5 метргача чуқурда жойлашган.

Тўқ бўз тупроқлар 2000-2200 метр баландликда жойлашган. Гумус миқдори 2-4%, карбонат ва гипс қатламлари эса янада чуқурда жойлашган.

Барча тупроқ турлари гидрологик фильтрация зонасида жойлашган бўлиб, тупроқнинг юза қатламларида шурланиш деярли учрамайди. Юқори гумус даражали ва кучли дерн қатламига эга ўтлоқ тупроқлар кенг тарқалган. Бунда икки тип учрайди: ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ. Ўтлоқ тупроқлар тоғ олди қияликлари ва доимий ёки даврий намланадиган дарё воҳалари қатламларини эгаллаган. Уларнинг очлари 1,5-2,5% гумус миқдorigа эга ва ер ости сувлари даражасининг пастлиги билан ажралиб туради; тўқлари 3-4% гумусга эга ва юқори намлик шароитида шаклланади.

Ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар- бу юқори намликка эга, ер ости сувлари 1-1,5 метрда турғун, гумус миқдори 4-6% ва деярли тўлиқ соз тупроқлардир.

Каштан тупроқлар Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг паст тоғликлари ва қирларининг юқори ва қисман ўрта қисмида тарқалган. Тупроқ ўзига хос тўқ каштан ранги билан ажралиб туради ва гумус миқдори 3-3,5% ни ташкил этади. Оч каштан тупроқлар суғориладиган ерларнинг нисбатан баланд ерларини эгаллайди. Каштан тупроқлардан у очикроқ ранги ва нисбатан паст гумус миқдори (2-2,5%) билан фарқланади. Ҳозирги пайтда тамаки етиштиришда юқорида барча келтирилган тупроқ типларидан фойдаланилади. Юқори сифатли хом-ашё олиш учун бўз тупроқларнинг дастлабки уч хили ва очик каштан туридаги тупроқлар энг мақбул ҳисобланади.

Зарафшон водийсининг тамакичилик зонаси иқлим шароитлари, мос равишда денгиз сатҳидан 695 ва 990 метр баландликда жойлашган Самарқанд ва Ургут метеорологик станциялари маълумотлари билан аниқланади.

Водийнинг иқлими йил фасллари ва сутка давомида кескин континенталдир. Самарқандда ҳавонинг ўртача даражаси $13,1^{\circ}$ ни, Ургутда эса $11,9^{\circ}$ ни ташкил этади. Бу нуқталарда ҳавонинг экстремум даражалари мос равишда $+40,4^{\circ}$ дан $-20,9^{\circ}$ гача ва $+39,5^{\circ}$ дан $-22,6^{\circ}$ гачани ташкил қилади. Вегетацион даврнинг ўртача даражаси Самарқандда $21,1^{\circ}$ ни, Ургутда $19,9^{\circ}$ ни ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг $45^{\circ} 35'$ кенгликда жойлашган энг шимолий нуқталарида қуёшнинг юқори туриш нуқтаси 38° га етиб, энг жанубий нуқталарида $37^{\circ} 10'$ кенгликда 76° ни ташкил қилади. Қиш фаслида қуёшнинг энг паст нуқтаси(кундузи, туш пайти) шимолий ҳудудларда 21° , жанубий ҳудудларда $25^{\circ} 12'$ ни ташкил қилади. Бу қуёшдан йил давомида жуда юқори даражада иссиқлик тушишини таъминлайди. Самарқандда бу кўрсаткич 118200 калорияга тенгдир. Ўртача ойлик ёғин миқдори 26,6

ммни ташкил қилиб, уларнинг 50%дан кўпроғи кузга, асосан октябр ойига тўғри келади. Ёз даврида деярли ёғингарчилик кузатилмайди. Хавонинг нисбий намлиги 44,7%ни ташкил қилади. Барча экин турлари учун вегетацион давр узунлиги 220 кунни ташкил қилиб, баъзи йилларда 250 кунгача чўзилади. Баҳор фаслидаги сўнгги музлашлар мартнинг охирига тўғри келиб, бу хўжаликларнинг очик кўчатхоналаридаги тамаки кўчатларининг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Кузда дастлабки музлаш октябрнинг биринчи ўн кунлигида кузатилган. Тупроқ ва хавонинг ёз ойларидаги паст даражадаги намлиги қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилишда қўшимча суғориш заруриятини келтириб чиқаради.

Об-ҳаво кеч кузда, киш ва эрта баҳор ойларида тез ўзгарувчан бўлиб, ёзда турғун.

Умуман олганда, Зарафшон водийсининг табиий ва тупроқ иқлим шароитлари кўплаб қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса тамаки етиштириш учун қулай ҳисобланади.

Тамаки Зарафшон водийсида, хусусан, Ургут туманида 1927 йилдан бошлаб саноат асосида етиштирилиб келинмоқда. Республика тамаки хом-ашёсининг асосий қисми ушбу ҳудудда етиштирилиб, туманда тамаки етиштириш учун қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги тизими маданияти мавжуд. Шунингдек, туманда аҳоли жойлашиш зичлигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат сиғими юқори бўлган тамаки экинини ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

Табиий мухитнинг ёмонлашуви билан бирга тупроқ нурланиши, шўрланиши, ер усти ва ости сувларининг сатхи пасайиши ва бошқа шу каби салбий омилларнинг рўй бериши ҳам ер билан боғлиқ муаммоларни янада кучайтирмоқда.

Юқоридагиларда, ўз ўзидан савол туғилади. Хўш ердан оқилона ва унумли фойдаланиш бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадими? Йўқ

албатта. Қолаверса ер ресурслари чекланганлиги, уни ишлаб чиқариш ресурси сифатида бир минтақадан бошқа минтақага кўчириб ёки хажмини кўпайтириб бўлмаслигини ўзи хам ундан оптимал фойдаланишни тақазо этади.

Шундан келиб чиқиб, мавжуд ер майдони талаб этилган хажмдаги турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ресурслар тўлиқ етарли бўлган ва улар хажмини чегараланган ҳолатини ҳисобга олиб фермер

1-жадвал.

Ургут туманининг умумий ер майдони ва унинг тартиби

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		Миқдори га	Салмоғи %	Миқдори га	Салмоғи %	Миқдори га	Салмоғи %
1	Умумий ер майдони	31073,4	100	31073,4	100	31073,4	100
	Шу жумладан						
2	Экин майдони жами шундан	19445	62,5	19454,1	62,6	19689,7	63,4
2.1	Суғориладиган ерлар	16151,1	83,1	16160,2	83,1	16395,8	83,3
2.2	Лалими ерлар	3293,9	16,9	3293,9	16,9	3293,9	16,7
3	Кўп йиллик дарахтлар	1119,1	3,6	1108,7	3,6	1080,8	3,5
4	Пичанзор ва яйловлар	9779,5	31,5	9780,1	31,5	9706,9	31,2
5	Бошқа ерлар	744,5	2,4	742,7	2,4	596	1,9
	Жами	31073,4	100,0	31073,4	100,0	31073,4	100,0

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

хўжаликларида максимал ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш уларни экинларини оптимал жойлаштиришни иқтисодий математик моделини тузиб шу асосида иш олиб бориш хам бугунги кундаги қишлоқ хўжалиги олдидаги муҳим масалалардан бири деб ҳисоблаймиз ва долзарблигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ургут туманида жами ММТПлар сони 24 тани ташкил этиб уларнинг таркибидаги фермер хўжаликларининг сони 803 тадан иборат

бўлиб шундан 14 таси боғдорчиликка, қолган барчаси тамаки ва ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб уларнинг умумий ер майдони 31073,4 гектарни, суғориб дехқончилик қилинадиган ер майдони эса 16395,8 гектарни ташкил этади. Қуйида биз туманнинг умумий ер майдони ва унинг таркиби тахлилига қисқача тўхталиб ўтамиз.

2-жадвал

Экин майдонларининг таркиби

№	Экин тури	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		Микдори га	Салмоғи %	Микдори га	Салмоғи %	Микдори га	Салмоғи %
1	Тамаки шундан	6491,4	40,2	6497,7	40,2	6592,1	40,2
1.1	Измир нави	3607,4	55,6	3614,8	55,6	3663,8	55,6
1.2	Басма нави	1457,5	22,5	1461,7	22,5	1479,3	22,4
1.3	Дюбек нави	1426,5	22,0	1421,2	21,9	1449	22,0
2	Бугдой	6537,2	40,5	6541,5	40,5	6621,2	40,4
3	Арпа	58,6	0,4	58,7	0,4	59,4	0,4
4	Сабзавот	1325,4	8,2	1321,4	8,2	1361,8	8,3
4.1	Помидор	182,4	13,8	186,3	14,1	181,5	13,3
4.2	Пиёз	207,6	15,7	210,3	15,9	209,8	15,4
4.3	Бошқалар сабзавотлар	935,4	70,6	924,8	70,0	970,5	71,3
5	Картошка	664	4,1	661	4,1	666	4,1
6	Бир йиллик ўтлар	883,7	5,5	889,1	5,5	902,1	5,5
7	Кўп йиллик ўтлар	190,8	1,2	190,8	1,2	193,2	1,2
Жами		16151,1	100,0	16160,2	100,0	16395,8	100,0

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Туманнинг умумий ер майдони 31073,4 гектарни ташкил қилиб, кейинги йилларда ўзгармасдан қолган. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари, жами экин майдони 19689,7 гектарни ташкил қилган, суғориладиган ерлар 2010 йилда 16160,2 гектарни ташкил қилган бўлиб, у 2011 йилга келиб, 16395,8 гектарни ташкил қилади ва 235,6 гектардан ошди бу, эса кўп йиллик дарахтларини ҳисобидан

чиқарилиши яъни етилган дарахтларни хом ашё сифатида(тахтага) ишлатилиши учун кесилган натижада бу ерлар ўзлаштирилган. Лалими ерлар эса 3293,9 гектарни ташкил қилиб у ўзгармасдан қолган. Туманда сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Энди хўжаликда экин майдонини яхши йўлга қўйилганлигини юқоридаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туманда факат тамаки ва ғаллага ихтисослашган бўлиб, бу икки тармоқнинг ҳам имконияти тнегдир. Эътибор қилиб таҳлили қиладиган бўлсак 2009 йилда тамаки экиш учун 6491,4 гектар ер ажратилган бўлса, 2010 йилда 6497,7 гектар ва 2011 йилда эса бу экин тури учун 6592,1 гектар ер ажратилган ва 2010 йилга нисбатан 94,4 гектар ер кўп ажратилган .Бу ерда шунини айтиш керакки, тамакичилик бизнинг туманимиз учун самарали соҳа дейишга асос бўлади. Туманда тамакининг уч хил нави экили буларга Измир, Басма ва Дюбек навлари киради. Ушбу навлардан Измир нави қисман суғориш йўли билан етиштирилади яъни лалмикор ерларда етиштириш мумкин бўлиб туманда ушбу навга 2010 йилда 3614,8 гектарга экилган бўлса 2011 йилга келиб 3663,8 гектарга экилган ва 2010 йилга нисбатан 49 гектарга ошган. Тамакининг Дюбек нави учун ажратилган ер миқдори йилдан йилга ошган яъни, 2009 йилда 1457,5 гектарга экилган бўлса 2010 йилга келиб 1461,7 гектарга етган ва 2011 йилда эса бу нав учун 1479,3 гектар ер ажратилган бўлиб бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 21,8 гектарга, 2010 йилга нисбатан эса 17,6 гектарга ошган. Тамаки экин майдони жами экин майдонининг 40,2 фоизини ташкил қиладди.

2.2.Туман фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари қатори инсоннинг ҳар томонлама эҳтиёжини қондирадиган истеъмол қийматлар яратиш мақсадида ресурсларга бўлган таъсирини ифодалайди. Бу жараёни амалга ошириш комплекс объектив ва субъектив ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни талаб қилади. Улар инсон меҳнати, меҳнат воситалари ва меҳнат предметларидан ташкил топади.

Инсон меҳнати, ер, сув, меҳнат воситаси ва меҳнат предмети қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи зарурий шароит ва омиллардир, бинобарин унинг ресурсларидир. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари– меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслар -қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида фойдаланилади ва унинг потенциални ташкил этади.

Ишлаб чиқариш ресурсларнинг нисбий чегараланганлиги, баъзи ҳолларда камёблиги, бир томондан, улардан анча интенсив ва самарали фойдаланишни, бошқа томондан бир ресурсни бошқа ресурс билан алмаштириш, уларнинг бир-бирини ўрнини қоплаш имконияти заруриятини келтириб чиқаради. Ерларнинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга комплекс механизация ва автоматлаштиришни қўллаш меҳнат ресурслари ва бошқалар камёблигини тўлдиришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ресурсларини истеъмол қилиш билан характерланади. Бу эса уларни такрор ишлаб чиқариш лозимлигини билдиради. Ҳар бир ресурс турига мос равишда маълум такрор ишлаб чиқариш манбаи мос келади. Масалан, меҳнат ресурсларининг манбаи меҳнатга яроқли аҳоли, асосий воситаларининг манбаи-капитал маблағлар, моддий оборот воситаларининг манбаи-маҳсулот сотишдан тушадиган пул ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда муҳим омил меҳнат ресурсларидир. Шунинг учун жами ишлаб чиқариш қуроллари ичида, энг

кудратли ишлаб чиқарувчи куч ишчиларнинг ўзи. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда иштирок этиш қобилиятига эга бўлган кишилар тўпламини ифодалайди. Меҳнат ресурсларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилардан ташқари, маълум бир шароитда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашиш имкониятига эга бўлган кишилар, яъни меҳнат захиралари ҳам киради. Меҳнат ресурсларининг энг ҳаракатчан ва бир вақтнинг ўзида социал актив қисми иш кучидир. У кишининг жисмоний ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисидир.

Меҳнат ресурслари тамакичилик хўжаликларида иш билан таъминлашни янада ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган омилардандир. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири бизнинг фикримизча тамакичиликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича ички имкониятларга таянган ҳолда олиб борилиши

3-жадвал

Ургут туманида меҳнат ресурслари таркиби ва динамикаси

Т/р	Кўрсаткичлар	2009й		2010й		2011й	
		Сони	Салмоғи %	Сони	Салмоғи %	Сони	Салмоғи %
1	Жами аҳоли сони	402209	100	409307	100	427740	100
	Шундан:						
2	Меҳнат ресурслари сони	195876	48,7	198105	48,4	212159	49,6
2.1	Иш билан банд бўлганлар	113804	58,1	115495	58,3	123052	58
2.2	Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар	82072	41,9	82610	41,7	89107	42
3	Ёшлар ва болаларнинг умумий сони	206333	51,3	211202	51,6	215581	50,4
3.1	Ўқувчилар	204063	98,9	208879	98,9	213425	99
3.2	Ногиронлар сони	2270	1,1	2323	1,1	2156	1

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

керак.Самарқанд вилояти тамакичиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш ва фойдаланишни ўрганиб чиқдик. Туманимизда 2012 йилнинг 1-январ ҳолатига кўра жами аҳолии сони 427740 кишини ташкил қилиб 2011 йил 1-январ ҳолатига 409307 кишини ташкил қилган ва 2010 йил 1-январ ҳолатига эса бу кўрсаткич 402209 нафардан иборат.

Шундан меҳнат ресурсларининг сони яъни жами иш билан таъминланганларнинг сони 2011 йилда туманда 212159 нафар бўлиб жами аҳоли сонига нисбатан 49,6 % ни ташкил қилади.

Битирув малакавий ишда тамакичиликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин.Бизнинг фикримизча улар қуйидагилар:

- ❖ Бугунги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида тамакичилик меҳнат ресурслари бандлик даражаси ва меҳнат самарадорлигини ошириш.

- ❖ Янги иқтисодий шароитда тамакичиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари талабидан келиб чиқиб малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш.

- ❖ Ишчи кучини моддий манфаатдорлигини оширишнинг янги йўллари тadbик этиш.

- ❖ Ишлаб чиқаришга янги техника-технологиялар ва илғорлар тажрибасини тadbик этиш

2.3. Туман фермер хўжаликларининг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш

Туманда моддий-техник ресурслардан фойдаланишнинг қандай даражада йўлга қўйилиши маҳсулот таннархини пасайтириш ва фермер оладиган фойда миқдорини оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи омил хисобланади. Фермер хўжаликларининг фойда билан ишлаши учун

ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак».

Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантириш тадбирларининг кенг миқёсда амалга оширилиши асосий воситалар иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Бу эса асосий воситалардан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишга замин яратади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни замон талабига мос ҳолда ривожлантириш кўп жиҳатдан асосий воситалар билан таъминланиш даражасига ва улардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий воситалар билан таъминланиш даражасини ҳамда улардан фойдаланиш аҳволини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида асосий воситалар билан таъминланиш даражасини яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш ётади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор қатнашиб, ўзининг ташқи кўринишини ўзгартирмайдиган қийматини маҳсулот таннархига аста-секинлик билан ўтказиб борувчи воситаларга айтилади. Буларга ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, машина ва асбоблар, транспорт воситалари, хўжалик ва ишлаб чиқариш

инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа бир йилдан ортиқ ишлайдиган воситалар киради.

Ҳозирги вақтда амалдаги классификацияга мувофиқ хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий (натурал) характериға ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарилган хизматиға қараб қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

❖ Қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган асосий фондлари, иморат, иншоотлар, узатувчи мосламалар, қурилиш воситалари, машина ва қуруллар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар.

❖ Қишлоқ хўжалиғига мўлжалланмаган ишлаб чиқариш фондлари (саноат ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш воситалари, савдо ва умумий овқатланиш воситалари ва бошқалар).

❖ Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар (уй жойлар, клублар, болалар боғчаси, мактаблар ва бошқалар).

Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқариш фондлари структурасининг анчагина салмоғи иморат, иншоотлар (60фоиздан кўпроқ), куч ва иш машиналари, транспорт воситалари ва мосламалари, (17 фоиз атрофида иш ва маҳсулдор ҳайвонлар (10фоиз) ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий фондлар натура ва пул ҳолида ҳисобға олинади ва режалаштирилади. Натура кўрсаткичлари асосий фондларни миқдори ва сифати, шунингдек, хўжаликнинг ишлаб чиқариш қуввати тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини пул билан баҳолашда унинг дастлабки қийматига хўжаликка етказиб бериш харажатларини қўшиб ҳисобланади. Сотиб олиш қиймати ва хўжаликка олиб келиш қиймати биргаликда асосий ишлаб чиқариш фоизларининг дастлабки баланс қийматини ташкил этади. Ёш молларни катта ёшдаги маҳсулдор ёки иш ҳайвонларига ўтказишда уларни парвариш қилишдаги таннархи билан баҳоланади:

Асосий фондларнинг қуйидаги қиймат шакллари мавжуд:

1.Бошланғич қиймат - асосий фондларни ташкил этишдаги ҳақиқий сарфланган харажатлар.

2.Тикланиш қиймати – асосий фондларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар.

3.Қолдиқ қиймат – асосий фондлар қийматидан уларнинг эскирган қисмини чегириб ташлашдан қолган қисмидир.

Асосий фондлар қиймати маълум бир даврларда катта баҳоланиб борилади. Асосий ишлаб чиқариш фондлари жисмоний ва маънавий эскиради. Асосий фондларнинг фойдаланиш жараёнида эскириши унинг жисмоний эскиришидир.

Ишлаб чиқариш жараёнида оборот фондлари ўзларининг натурал шаклини йўқотади ва битта ишлаб чиқариш шаклида истеъмол қилинади. Улар ўзининг қийматини тўла равишда ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ёки бажарилган ишлар таннарихига ўтказилади.

4-жадвал

Туман фермер хўжаликларининг асосий воситаларининг ҳаракат таркиби

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 Йил		2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
		Қиймати млн. сўм	Сал- моғи %	Қиймати, млн. сўм	Сал- моғи, %	Қиймати млн. сўм	Сал- моғи, %	Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
1.	Бино	2747,3	36,4	2770,7	32,0	2820,5	29,5	73,2	102,7
2.	Иншоот	480,6	6,4	556,3	6,4	621,1	6,5	140,5	129,2
3.	Узатиш мосламалари	130,6	1,7	145,7	1,7	157,6	1,7	27	120,7
4.	Машина ва ускуналар	2018,9	26,7	2863,2	33,1	3270,2	34,2	1251,3	162,0
5.	Мебел ва офис жиҳозлари	20,5	0,3	24,8	0,3	26,3	0,3	5,8	128,3
6.	Компьютер ва ҳисоблаш техникаси	4,2	0,1	7,5	0,1	10,5	0,1	6,3	2,5 марта ошган
7.	Транспорт воситалари	702,5	9,3	1005,5	11,6	1152,9	12,1	450,4	164,1
8.	Маҳсулдор хайвонлар	14	0,2	16,5	0,2	17,1	0,2	3,1	122,1
9.	Кўп йиллик	1234,5	16,4	1234,5	14,3	1275,7	13,3	41,2	103,3

	Ўсимликлар								
10.	Бошқа асосий воситалар	198,1	2,6	24,8	0,3	217,9	2,3	19,8	110,0
	Жами:	7551,2	100	8649,5	100	9569,8	100	2018,6	100

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Корхонада оборот (айланма) маблағларидан самарали фойдаланиш уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади бунда эса ишлаб чиқариш шаклини қисқартириш, маҳсулотнинг сотилмаган зонасини камайтириш ва ҳисоб китобларда молия иқтисодга риоя қилиш йўли билан эришилади. Умуман олганда юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки биз тадқиқот олиб бораётган фермер хўжалигида ўсимликчилик тармоғини ривожлантириш тури етарли. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган асосий фондларга эга.

Туман фермер хўжаликларининг асосий воситалари ҳаракат таркиби билан танишиб чиқамиз.4-жадвал маълумотларидан таҳлил қиладиган бўлсак шуни аниқ тасаввур қилиш мумкинки, 2009 йилда бино ва иншоотлар қиймати мос равишда 2747,3 ва 480,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 2820,5 ва 621,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб

уларнинг салмоғи 2009 йилда 36,4 ;6,4 % ни, 2011 йилда эса 29,5 ; 6,5 % ни ташкил қилган. Бошқача айтганда бино ва иншоотлар 2011 йилда 2009 йилга нисбатан мос равишда 73,2 ва 140,5 млн. сўмга ошган. Шу билан бир қаторда машина ва ускуналар қиймати 2009 йилда 2018,9 млн. сўмни ташкил қилган 2011 йилда эса бу кўрсаткич 3270,2 млн.сўмга тенг бўлиб 2009 йилга нисбатан 1251,3 млн. сўмга ошган ва унинг салмоғи 2011 йилда 34,2% ни ташкил қилган. Худди шундай фикрларни қолган кўрсаткичлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш мумкин. Улардан фойдаланиш даражаси 2010 ва 2011 йилларда унумдорлик томонга қараб силжиш бўлишига эришилган. Асосий воситалар фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтиб кетганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Туман фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишни таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун, ҳар бир тармоқдан олинадиган қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш ва уларни қийматини жами харажатидан айириб ташлаб, маҳсулот таннархини ҳисоблаш, харажатларни камайтириш учун эса сарфланаётган ўғит, ёқилғи ва уруғликларни белгиланган меъёрларда бўлишини назорат қилиш, технологик жараёнларни назорат қилиш, ер ва башқа чекланган ресурслардан оптимал фойдаланишга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

III. Туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлиги.

3.1. Тумандаги фермер хўжаликларида ғалла ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили.

Ғаллачилик соҳаси туманда муҳим ўрин эгаллагани учун ҳам самарадорликни таҳлил этиш шу тармоқ асосида амалга оширилди. Иқтисодий самарадорлик кўпгина кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Шулар жумласига ялпи фойда, соф даромад, рентабеллик, ҳосилдорлик каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Шу кўрсаткичлар орқали ғаллачилик самарадорлиги таҳлилини ушбу бўлимда кўриб чиқдик.

Аввало ишлиб чиқариш кўламини, аҳолини сўнгра соҳани фойдаси ва рентабеллигини омилли таҳлил этдик.

Туманда ғалла етиштириш 2011 йилда 2009 ва 2010 йилларга нисбатан ошган. Буни қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Ғалла ялпи ҳосили, экин майдони ва ҳосилдорлиги динамикасини таҳлили.

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	Ўзгариши(+;-)	
				2009йилга	2010

				нисбатан	йилга нисбатан
Ғалла майдони, га	6537,2	6541,5	6621,2	84	79,7
Хосилдорлиги, ц/га	44	45,3	46	2	0,7
Ялпи хосил, ц	287636,8	296329,95	304575,2	16938,4	8245,3

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Жадвалдан кўриниб турибдики, ғалла ялпи хосили 2009 йилда 2011 йилга нисбатан 16938,4 ц га ошган ва 2010 йилга нисбатан эса 8245,3 ц га ошган. Бунинг асосий сабаби экин майдони ва хосилдорликнинг ўзгаришидир. Экин майдони 2009 йилда 2011 йилга нисбатан 84 га. га ошган, 2010 йилга нисбатан эса 79,9 га. га ошган. Экин майдони ошиши билан ялпи хосил 2009 йилга нисбатан 16938,4 ц га, 2010 йилга нисбатан 8245,3 ц га ошган. Хосилдорликни ўзгариши 2009 йилга нисбатан 2 ц.га ўзгарган. 2009 йилда 44 ва 2011 йилда 46 центнерни ташкил қилаган. 2010 йилга нисбатан 0,7 ц.га ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи хосилни 304575,2 ц га ошишига сабаб бўлган. Ушбу ҳисоб китоб натижасини қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

6- жадвал

Ғалла ялпи хосилининг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши			2011 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши		
				Жами	Майдон	Хосил дорлик	Жами	Майдон	Хос илдо рлик
Ғалла майдони, га	6537,2	6541,5	6621,2	84	х	х	79,7	х	х
Хосилдорлиги, ц/га	44	45,3	46	2	х	х	0,7	х	х
Ялпи хосил, ц	287636,8	296329,9	304575,2	16938,4	3696,0	13242,4	8245,3	3610,4	4634,8

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Туман хўжаликларида етиштирилган ғалланинг кўп қисми, яъни деярли ҳаммаси сотилган. Ғалла сотишдан 2011 йилда 8954510,9 минг сўм 2010 йилда эса 7023019,8 минг сўм даромад олган, яъни пул тушуми 1931491,1 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида ғалла миқдори билан сотиш баҳосини таъсири остида келиб чиққан.

Ғалла сотиш динамикасининг омилли тахлили

Кўрсаткичлар	2010	Шартли кўрсаткичлар	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан	
					миқдор хисобига	баҳо хисобига
Сотилган ғалла миқдори, ц	296329,95	304575,2	304575,2	8245,3	х	х
1 ц. ғалла бахоси, сўм	23700	23700	29400	5700	х	х
Жами пул тушуми, м/с	7023019,8	7218432,24	8954510,9	1931491,1	195412,4	1736078,6

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Сотилган ғалла миқдори 296329,9 центнердан 304575,2 центнерга ошган, яъни 8245,3 центнерга ғалла кўп сотилган, натижада пул тушуми 195412,4 минг сўмга ошган. Ўртача сотиш баҳоси 23700 сўмдан 29400 сўмга кўтарилган, яъни баҳо 5700 сўмга ошган. Баҳони ошиши туфайли пул тушуми 1736078,6 минг сўмга ошди. Шундай қилиб пул тушумини ошиши асосан сотилган ғалла миқдорининг ошиши ҳисобига содир бўлган. Баҳони ошиши оқибатида хўжалик ялпи фойдасининг кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилади. Буни биз қўйида фойданинг тахлили қисмида кўриб чиқамиз. Энди юқорида келтирилган пул тушумининг тахлилини натижаларини юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики икки омилнинг ижобий таъсири остида пул тушуми 1931491,1 минг сўм ошган, демак, пул тушумини кўпайтириш резервлари бўлиб, биринчидан унинг миқдорини ошириш булса, иккинчидан янада сифатини ошириш ҳисобига баҳосини кўтариш ҳисобланади.

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб фойда ҳисобланади. Ғаллачилик хўжаликда фойдали соҳадир. 2011 йилда ғалла

Ғаллани сотишдан олинган фойда динамикасининг тахлили.

Кўрсаткичлар	2010	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши
--------------	------	------	-------------------	----------------------

				миқдор хисобига	баҳо хисобига	таннарх хисобига
Сотилган ғалла миқдори, ц	296329,95	304575,2	8245,3	х	х	х
1 ц. ғалла бахоси, сўм	23700	29400	5700	х	х	х
1 ц. ғалла таннархи, сўм	20130	24460	4330	х	х	х
1 ц ғаллани сотишдан олинган фойда, сўм	3570	4940	1370	х	х	х
Жами фойда, минг сўм	1057897,9	1504601,5	446703,6	29435,5	1736078,6	1318810,6

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

сотишдан туман хўжаликлари 1504601,5 минг сўм фойда олган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 446703,6 сўмга ошганган. Буни ва унинг омилли тахлилини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин.

8-жадвалдан кўриниб турибдики ғалла сотишдан олинган жами фойданинг ўзгариши уч омил хисобига содир бўлган, шундан биринчи ва иккинчи омил ижобий, учунчи омил салбий таъсир қилган. Ушбу омилларни фойданинг ўзгаришига таъсирини «кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб аниқладик. Буни қўйида келтирдик.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2011 йилда давлатга 304575,2 ц. ғалла сотилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 8245,3 ц га ошган. Давлатга сотилган ғалла миқдорининг 8245,2 ц га кўпайиши натижасида ғалла сотишдан олинган жами фойда 29435,5 минг сўмга кўпайган. Ўртача сотиш баҳосининг 5700 сўмга ошиши натижасида жами фойда суммаси 1736078,6 минг сўмга ошган, аммо таннархнинг ошиши фойдага салбий таъсир қилди. 1 ц. ғалла таннархи 20130 сўмдан 24460 сўмга кўтарилиб, у 4330 сўмга ошган, натижада ғаллани сотишдан олинган жами фойда 1318810,6 минг сўмга камайган. Шундай қилиб асосан жами фойдани ошиши махсулот миқдари ошиши ва баҳонинг ошиши хисобига бўлган. Агар таннарх 2010 йил даражасида ўзгармасдан қолганда ялпи фойда 1504601,5 минг сўм ўрнига 2823412,1 минг сўмга ошган бўлар эди.

Ушбу ҳисоб-китобларга асосланиб туман хўжаликлари фойдасини янада ошириш мумкин деган хулосага келиш мумкин.(8-жадвал)

Ялпи фойдани ошириш резервлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш структурасини янада такомиллаштириш асосида ялпи ҳосилни кўпайтириш.
2. Таннархни арзонлаштириш зарур. Бунинг учун ҳосилдорликни ошириш ва доимий харажатларни камайитириш зарур.
3. Махсулот сифатини ошириш натижасида ўртача сотиш баҳосини кўтариш.

Фойда билан бир қаторда рентабеллик иқтисодий самарадорликни асосий кўрсаткичидир. Шунинг учун биз ушбу кўрсаткични таҳлил этдик. Рентабеллик хўжаликларни даромадлилигини, фойдалилигини кўрсатади. Унинг даражаси бўйича 1 сўмлик ёки 100 сўм қилинган харажат учун қанча фойда олинганини кўрсатиш мумкин. Ушбу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан юқори бўлса самарадолик ошиб бораётганидан далолат беради. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

9-жадвал

Ғаллачилик рентабеллиги таҳлили.

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йил	
				2009 йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан
1 ц. ғалла сотиш баҳоси,сўм	20300	23700	29400	9100	5700
1 ц. ғалла таннархи,сўм	16940	20130	24460	7520	4330
1 ц. ғалла фойдаси,сўм	3360	3570	4940	1580	1370
Рентабеллик %	19,8	17,7	20,2	0,4	2,5

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

9-жадвалдан кўриниб турибдики, ғалла етиштириш рентабеллиги 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ошганган. 2009 йилда рентабеллик

даражаси 19,8 фоизни ташкил қилган. Демак 1 сўмлик қилинган харажатга 19,8 тийинлик даромад олган. 2010 йилга келиб, рентабеллик даражаси 17,7 фоизни ташкил қилган, демак, 1 сўмлик харажат ҳисобига 17,7 тийинлик даромад олган. 2011 йилда рентабеллик 2010 йилга нисбатан 2,5 % га ошган. Бу асосан боҳонинг ошиши ҳисобига содир бўлган. Биз рентабелликни омилли таҳлилини 2010-2011 йиллар мисолида кўрдик. Буни қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Рентабеллик даражаси ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлган. Ушбу омилларни таъсирини «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб

10-жадвал

Ғаллачилик рентабеллигини омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	2010	2011 йил баҳоси ва 2010 йил таннархи бўйича	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц. ғалла сотиш баҳоси,сўм	23700	29400	29400	5700	х	х
1 ц. ғалла таннархи,сўм	20130	20130	24460	4330	х	х
1 ц. ғалла фойдаси,сўм	3570	9270	4940	1370	х	х
Рентабеллик %	17,7	46,1	20,2	2,5	28,3	-25,9

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

амалга оширдик, шунинг учун урта боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинди:

1.2010 йилдаги рентабеллик даражаси. Буни аниқлаш учун шу йил фойдасини шу йилдаги сотилган маҳсулот таннархига бўлинди, яъни қўйидаги формуладан фойдаланилди:

$$R_0 = \frac{P_0 - Z_0}{Z_0};$$

Бунда: P_1 -2010 йилдаги 1 ц. ғаллани баҳоси;

Z_0 -2010 йилдаги 1 ц. ғаллани таннархи;

P_0-Z_0 -2010 йилдаги 1 ц. ғаллани фойдаси;

2. Шартли рентабеллик даражаси. Буни қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$R_{ш} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0};$$

Бунда: P_1 -2011 йилдаги 1 ц. ғаллани баҳоси;

P_1-Z_0 – шартли фойда;

Демак, шартли даражани 2010 йилдаги таннархига бўлиш орқали шартли рентабеллик даражаси аниқланади.

3. 2011 йилдаги рентабеллик даражаси.

$$R_1 = \frac{P_1 - Z_1}{Z_1};$$

Бунда: Z_1 -2011 йилдаги 1 ц. ғаллани баҳоси;

P_1-Z_1 -2011 йилдаги 1 ц. ғаллани фойдаси;

Шартли рентабелликдан 2010 йил рентабеллини айириш орқали баҳонинг рентабеллик даражаси ўзгаришига таъсири аниқланади.

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_p$$

2011 йил рентабеллигидан шартли рентабелликни айириш орқали таннархнинг рентабеллик даражасини ўзгаришига таъсири

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_z$$

Икки омилнинг таъсирини йиғиндиси рентабеллик даражасини умумий ўзгаришига тенглаштирилади.

10-жадвалдан кўриниб турибдики рентабеллик даражаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2,5 % га ошганган. Бу ўзгаришга баҳо ижобий, таннарх салбий таъсир қилган. 1 ц. ғаллани ўртачи сотиш баҳоси 2011 йилда 29400 сўмни ташкил қилиб 2010 йилга нисбатан 5700 сўмга ошган. Бу ошиш ўз навбатида ғаллачилик соҳасининг рентабеллигини 28,3 % га ошишига олиб келган, аммо таннархнинг қимматлашиши рентабелликни пасайтирган. 1 ц. ғаллани ўртача таннархи 2010 йилдаги 20130 сўм ўрнига

2011 йилга келиб 24460 сўмни ташкил қилиб у 4330 сўмга қимматлашган, натижада ғаллачилик рентабеллиги шу омил хисобига 25,9 % га пасайган.

Демак рентабелликни ошириш учун таннархни пасайтириш ва махсулот сифатини ошириш зарур.

3.2. Туман хўжаликларида тамаки ишлаб чиқаришни ҳозирги ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили

Тамакичилик соҳаси туманда муҳим ўрин эгаллагани учун ҳам самарадорликни таҳлил этиш шу тармоқ асосида амалга оширилди. Иқтисодий самарадорлик кўпгина кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Шулар жумласига ялпи фойда, соф даромад, рентабеллик, ҳосилдорлик каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Шу кўрсаткичлар орқали тамакичилик самарадорлиги таҳлилини ушбу бўлимда кўриб чиқдик.

Тамакичилик туманимиз ўсимликчилик тармоғининг муҳим ўзагини ташкил этиб, халқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда алоҳида ўринни эгаллайди. Тамаки хом ашёси ва ундан олинадиган бирламчи ва тайёр махсулотлар нафақат мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда, балки республика бюджетини чет эл валюталари билан тулдиришда асосий манбадир. Энди туман хўжалиларида тамаки ишлаб чиқаришни ҳолатига тўхталиб ўтамыз.

Аввало ишлиб чиқариш кўламини, ахволини сўнгра соҳани фойдаси ва рентабеллигини омилли таҳлил этдик.

Туман хўжаликларида тамакининг Дюбек навини етиштириш 2011 йил 2009 йил ва 2010 йилга нисбатан ошган. Буни қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

11-жадвал

Тамаки ялпи ҳосили, экин майдони ва ҳосилдорлиги динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	Ўзгариши(+;-)
--------------	------	------	------	---------------

				2009 йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан
Тамаки майдони, га	1426,5	1421,2	1449	22,5	27,8
Хосилдорлиги, ц/га	25,3	24	25,6	0,3	1,6
Ялпи хосил, ц	36090,5	34108,8	37094,4	1004	2985,6

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Жадвалдан кўриниб турибдики, тамаки ялпи ҳосили 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1004 ц.га ошган ва 2010 йилга нисбатан эса 2985,6 ц.га ошган. Бунинг асосий сабаби экин майдони ва хосилдорликнинг ўзгаришидир. Экин майдони 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 22,5 га.га ошганган, 2010 йилга нисбатан эса 27,8 га.га ошган. Экин майдони ошиши билан ялпи хосил 2009 йилга нисбатан 1004 ц.га, 2010 йилга нисбатан 2985,6 ц.га ошган. Хосилдорликни ўзгариши 2009 йилга нисбатан 0,3 ц.га ўзгарган. 2009 йилда 25,3 ва 2011 йилда 25,6 центнерни ташкил қилган. 2010 йилга нисбатан 1,6 ц.га ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи хосилни 2985,6 ц.га ошишига сабаб бўлган. Ушбу ҳисоб китоб натижасини қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

12- жадвал

Тамаки ялпи ҳосилининг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши			2011 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши		
				Жами	Майдон	Хосилдор лик	Жами	Майдон	Хосилдор лик
Тамаки майдони, га	1426,5	1421,2	1449	22,5	х	х	27,8	х	х
Хосилдорлиги, ц/га	25,3	24	25,6	0,3	х	х	1,6	х	х
Ялпи хосил, ц	36090,5	34108,8	37094,4	1004,0	569,3	434,7	2985,6	667,2	2318,4

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Туман хўжаликларида етиштирилган тамакининг кўп қисми, яъни деярли ҳаммаси сотилган. Тамакининг Дюбек навини сотишдан 2011 йилда 774531,1 минг сўм 2010 йилда эса 637493,5 минг сўм даромад олган, яъни пул тушуми 137037,6 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида тамаки миқдори билан сотиш баҳосини таъсири остида келиб чиққан.

13-жадвал

Тамаки сотиш динамикасининг омилли тахлили

Кўрсаткичлар	2010	Шартли кўрсаткичлар	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан	
					микдор хисобига	баҳо хисобига
Сотилган тамаки микдори,ц	34108,8	36949,5	37094,4	2985,6	х	х
1 ц. тамаки бахоси,сўм	18690	18690	20880	2190	х	х
Жами пул тушуми,м/с	637493,5	690586,2	774531,1	137037,6	55800,9	81236,7

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Сотилган тамаки микдори 34108,8 центнердан 37094,4 центнерга ошган, яъни 2985,6 центнерга тамаки кўп сотилган, натижада пул тушуми 55800,9 минг сўмга ошган. Ўртача сотиш баҳоси 18690 сўмдан 20880 сўмга кўтарилган, яъни баҳо 2190 сўмга ошган. Баҳони ошиши туфайли пул тушуми 81236,7 минг сўмга ошди. Шундай қилиб пул тушумини ошиши асосан сотилган тамаки микдорининг ошиши ҳисобига содир бўлган. Баҳони ошиши оқибатида туман хўжаликлари ялпи фойдасининг кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилади. Буни биз қўйида фойданинг тахлили қисмида кўриб чиқамиз. Энди юқорида келтирилган пул тушумининг тахлилини натижаларини юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики икки омилнинг ижобий таъсири остида пул тушуми 81236,7 минг сўм ошган, демак, пул тушумини кўпайтириш резервлари бўлиб, биринчидан унинг микдорини ошириш булса, иккинчидан янада сифатини ошириш ҳисобига баҳосини кўиариш ҳисобланади.

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб фойда ҳисобланади. Тамакичилик хўдалиқда фойдали соҳадир. 2011 йилда тамаки сотишдан туман хўжаликлари 139400,8 минг сўм фойда олган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 24658,8 сўмга камайган. Буни ва унинг омилли тахлилини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин.

14-жадвал

Тамакини сотишдан олинган фойда динамикасининг тахлили

Кўрсаткичлар	2010	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши
--------------	------	------	-------------------	----------------------

				миқдор хисобига	баҳо хисобига	таннарх хисобига
Сотилган тамаки миқдори, ц	34108,8	37094,4	2985,6	х	х	х
1 ц. тамаки бахоси, сўм	18690	20880	2190	х	х	х
1 ц. тамаки таннархи, сўм	15326	17122	1796	х	х	х
1 ц тамакини сотишдан олинган фойда, сўм	3364	3758	394	х	х	х
Жами фойда, минг сўм	114742	139400,8	24658,8	10043,6	81236,7	66621,5

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

14-жадвалдаги кўриниб турибдики тамаки сотишдан олинган жами фойданинг ўзгариши уч омил ҳисобига содир бўлган, шундан биринчи ва иккинчи омил ижобий, учунчи омил салбий таъсир қилган. Ушбу омилларни фойданинг ўзгаришига таъсирини «кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб аниқладик. Буни қўйида келтирдик.

14-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2011 йилда 37094,4 ц. тамаки сотилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2985,6 ц.га ошган. Сотилган тамаки миқдорининг 2985,6 ц.га ошиши натижасида тамаки сотишдан олинган жами фойда 10043,6 минг сўмга кўпайган. Ўртача сотиш баҳосининг 2190 сўмга ошиши натижасида жами фойда суммаси 81236,7 минг сўмга ошган, аммо таннархнинг ошиши фойдага ижобий таъсир қилди. 1 ц. тамаки таннархи 15326 сўмдан 17122 сўмга кўтарилиб, у 1796 сўмга ошган, натижада тамакини сотишдан олинган жами фойда 66621,5 минг сўмга камайган. Шундай қилиб асосан жами фойдани ошиши маҳсулот миқдари ошиши ва баҳонинг ошиши ҳисобига бўлган. Агар таннарх 2010 йил даражасида ўзгармасдан қолганда ялпи фойда 139400,8 минг сўм ўрнига 206022,3 минг сўмга ошган бўлар эди. Ушбу ҳисоб-китобларга асосланиб туман хўжаликлари фойдасини янада ошириш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Ялпи фойдани ошириш резервлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш структурасини янада такомиллаштириш асосида ялпи ҳосилни кўпайтириш.

2. Таннархни арзонлаштириш зарур. Бунинг учун хосилдорликни ошириш ва доимий харажатларни камайтириш зарур.

3. Махсулот сифатини ошириш натижасида уртача сотиш баҳосини кўтариш.

Фойда билан бир қаторда рентабеллик иқтисодий самарадорликни асосий кўрсаткичидир. Шунинг учун биз ушбу кўрсаткични таҳлил этдик. Рентабеллик хўжаликни даромадлилигини, фойдалилигини кўрсатади. Унинг даражаси бўйича 1 сўмлик ёки 100 сўм қилинган харажат учун канча фойда олинганини кўрсатиш мумкин. Ушбу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан юқори бўлса самарадолик ошиб бораётганидан далолат беради. Буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

15-жадвал

Тамакичилик рентабеллиги таҳлили.

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йил	
				2009 йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан
1 ц. тамаки сотиш баҳоси,сўм	13430	18690	20880	7450	2190
1 ц. тамаки таннархи,сўм	11013	15326	17122	6109	1796
1 ц. тамаки фойдаси,сўм	2417	3364	3758	1341	394
Рентабеллик %	21,9	21,9	21,9	0,0	0,0

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

Рентабеллик даражаси ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлган. Ушбу омилларни таъсирини «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб амалга оширдик, шунинг учун учта боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинди:

1.2010 йилдаги рентабеллик даражаси. Буни аниқлаш учун шу йил фойдасини шу йилдаги сотилган махсулот таннархига бўлинди, яъни қўйидаги формуладан фойдаланилди:

$$R_0 = \frac{P_0 - Z_0}{Z_0};$$

Бунда: P_1 -2010 йилдаги 1 ц. тамакини бахоси;

Z_0 -2010 йилдаги 1 ц. тамакини таннархи;

$P_0 - Z_0$ -2010 йилдаги 1 ц. тамакини фойдаси;

2. Шартли рентабеллик даражаси. Буни қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$R_{ш} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0};$$

Бунда: P_1 -2011 йилдаги 1 ц. тамакини бахоси;

$P_1 - Z_0$ – шартли фойда;

Демак, шартли даражани 2010 йилдаги таннархига бўлиш орқали шартли рентабеллик даражаси аниқланади.

3. 2011 йилдаги рентабеллик даражаси.

$$R_1 = \frac{P_1 - Z_1}{Z_1};$$

Бунда: Z_1 -2011 йилдаги 1 ц. тамакини бахоси;

$P_1 - Z_1$ -2011 йилдаги 1 ц. тамакини фойдаси;

Шартли рентабелликдан 2010 йил рентабелини айириш орқали бахонинг рентабеллик даражаси ўзгаришига таъсири аниқланади.

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_p$$

2011 йил рентабеллигидан шартли рентабелликни айириш орқали таннархнинг рентабеллик даражасини ўзгаришига таъсири

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_z$$

15-жадвалдан кўриниб турибдики, тамаки етиштириш рентабеллиги 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгармасдан қолган. 2009 йилда рентабеллик даражаси 21,9 фоизни ташкил қилган. Демак 1 сўмлик қилинган харажатга 1 сўму 21,9 тийинлик даромад олган. 2010 йилга келиб, рентабеллик даражаси 21,9 фоизни ташкил қилган, демак, 1 сўмлик харажат хисобига 1 сўму 21,9 тийинлик даромад олган. 2011 йилда рентабеллик 2010 йилга нисбатан

Тамакичилик рентабеллигини омилли тахлили

Кўрсаткичлар	2010	2011 йил бахоси ва 2010 йил таннархи бўйича	2011	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо хисобига	таннарх хисобига
1 ц. тамаки сотиш бахоси,сўм	18690	20880	20880	2190	х	Х
1 ц. тамаки таннархи,сўм	15326	15326	17122	1796	х	Х
1 ц. тамаки фойдаси,сўм	3364	5554	3758	394	х	Х
Рентабеллик %	21,9	36,2	21,9	0,0	14,3	-14,3

Манба: Туман ҚСХБ маълумотлари ва муаллифнинг ҳисоб-китоблари

ўзгармасдан қолган. Бу асосан таннархнинг ошиши ҳисобига содир бўлган. Биз рентабелликни омилли тахлилни 2010-2011 йиллар мисолида кўрдик. Буни қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

16-жадвалдан кўриниб турибдики рентабеллик даражаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгармасдан қолган. Бу ўзгаришга баҳо ижобий, таннарх салбий таъсир қилган. 1 ц. тамакини ўртачи сотиш баҳоси 2011 йилда 20880 сўмни ташкил қилиб 2010 йилга нисбатан 2190 сўмга ошган. Бу ошиш ўз навбатида тамакичилик соҳасининг рентабеллигини 14,3 % га ошишига олиб келган, аммо таннархнинг қимматлашиши рентабелликни пасайтирган. 1 ц. тамакини ўртача таннархи 2010 йилдаги 15326 сўм ўрнига 2011 йилга келиб 17122 сўмни ташкил қилиб у 1796 сўмга қимматлашган, натижада тамакичилик рентабеллиги шу омил ҳисобига 14,3 % га пасайган.

Демак рентабелликни ошириш учун таннархни пасайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш зарур.

3.3. Молиявий иктисодий инкирозга қарши белгиланган чора тадбирларни амалга ошириш фермер хўжаликларини самарали ривожлантиришни асосидир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модинезациялаш, техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларнинг маблағларини кенгрок жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (2008 йил 18 ноябр) жахон молия иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори баъзавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутоносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзили қўллаб қувватлашга қаратилган. “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарнинг қўллаб қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги (2008 йил 28 ноябр) фармони муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек Президентимизнинг рақобатбардошли, юқори сифатли ноозик - овқат истемол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истемол бозорини улар билан янада тулиқроқ бой этиш, тайёр ноозик – овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларни техник ва технологик жихатдан қайта жихозлашга қаратилган “маҳаллий ноозик- овқат истемол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирла тўғрисида” ги (2009 йил 28 январ) фармони шулар жумласидандир.

Мазкур хужжатларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ресурслардан самарали фойдаланиши хисобига маҳсулот таннархини 20 % дан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари ўстав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 % дан оширмаслик;
- Кичик бизнес ва тадбиркорликни айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхонларни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб қувватлаш;
- Маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳақозо.

Ўз моҳиятига кўра, ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амлга оширилиши жаҳон молиявий иқтисодий имнқироzi оқибатларининг мамлакатимиз қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт шароит имкониятларни яратади.

Президентимиз ўз асарларида инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Жумладан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширилишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги тақлифлари маъқулланганини қайт этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган тадбирлар белгилаб берилган. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чоратадбирларини амалга ошириш юзасидан ҳўжалигимизда ҳали маълум тадбирлар, ишлаб чиқилмоқда, натижада улар ўзини оқламоқда. Қолаверса ҳўжаликларни оммалаштириш мақсадида ҳозирги кунда кенг миқёсли ишлар ҳам олиб борилмоқдаки буларнинг барчаси ҳукуматимиз Президентимиз Ислон Каримов олиб бораётган сиёсатининг нақадар изчил, ҳалқпарварлигидан далолат беради.

IV. Туман фермер ҳўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлиги

4.1. Фермер ҳўжаликларида экин майдонларидан фойдаланишни оптималлаштиришда иқтисодий-математик моделларни қўллашнинг самарадорлиги

Фермер ҳўжаликларида максимал деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш биринчи навбатда уларда ер ҳудудларидан фойдаланишни ташкил этишга боғлиқдир. Фермер ҳўжаликларида ер ҳудудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ ёки бошқача айтганда оптимал фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг ташқи чегараларини, қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш, ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, меллорация ва йўл шаҳобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, ҳўжаликни таъминлаш манбаларини

ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигида ер ҳудудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ердан фойдаланишни ташкил қилишда қуйидаги шартлари қатъий риоя қилиш талаб этилади, жумладан, ернинг давлат мулки эканлигини тўла эътироф этиш ва ундан фақат белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш; ерни фойдаланувчиларга узоқ муддатга ёки муддатсиз фойдаланишга бериб қўйиш орқали ердан фойдаланишни доимийлигини таъминлаш, ер ҳудудини тез-тез ўзгартириб туришга йўл қўймаслик ва шунга ўхшашлар.

Экин майдонларининг таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим, жумладан тупроқ унумдорлигини барқарор, мунтазам ошириш; корхонанинг ўзаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш. Шунинг учун экин майдонларининг самарали таркибининг асосий вазифаси қуйидагилар: экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома ва буюртма топшириқларини бажариш ҳамда хўжалик ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдорда маҳсулот етиштириш ва унинг юксак даромадлилигини таъминлашдан иборатдир. Экин майдонлари талабига кўра алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Оптимал алмашлаб экишни танлаш масаласини фермер хўжаликлари мисолида иқтисодий математик моделини ва масаласини қўйилишини қуйидагича таърифлаш мумкин. Алмашлаб экиладиган экинлар ҳар бирининг майдони шундай таъминланадики, фермер хўжаликларининг оладиган маҳсулоти қиймат (пул) ифодасида максимал бўлсин.

Бунинг учун қуйидагича белгилашларни киритамиз: k -алмашлаб экиш индекси ($k = 1, n$); k_k - k -алмашлаб экишга ажратиладиган майдон; j -экинлар индекси ($j = 1, m$); t -экинлар гуруҳи бўлиб ($t = 1, t$) дир. i -ресурслар индексини билдириб унинг қабул қиладиган қийматлари ($i = 1, i$) I_t -гуруҳдаги экинлар тўплами;

V_{jk} -эса j -экиннинг k -алмашлаб экишдаги улуши, шу билан бирга $E_{vjk}=1$, $0 < V_{jk} < 1$ бўлиши лозим. C_{jk} - j -экиннинг бир гектарини k -алмашлаб экишда ишлов бериш самарадорлиги B_i - I турдаги мавжуд ресурслар ўлчами, ҳажмини билдиради. a_{ij} - i -ресурснинг j -экин бир гектарига меъёрий сарфини ифодаловчи техник иқтисодий коэффициент, a_{t-t} -гуруҳ экинлари маҳсулотини етиштиришнинг минимал зарурий ўлчами, қуйи чегарасидир.

V_{jk} - k -экиннинг j -алмашлаб экишдаги ҳосилдорлигини ифодаловчи кўрсаткич. У ҳолда белгиланган, киритилганларга асосан масаланинг иқтисодий-математик моделини қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

Масаланинг иқтисодий-математик моделини тузишда қуйидаги техник - иқтисодий коэффициентлар ишлатилади:

- бир гектар экин тури майдонига йил давомида ва тиғиз даврда сарфланадиган меҳнат ресурслари;
- бир гектар экин тури майдонига сарфланадиган минерал ўғитларнинг меъёрий кўрсаткичлари;
- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган ҳосилдорлик кўрсаткичлари;
- бир гектар экин тури майдонига қилинадиган ишлаб чиқариш харажатлари;
- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган ялпи ҳосил кўрсаткичлари (натурал ҳолда ёки сўмда);
- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган даромад кўрсаткичлари

Экин майдонларинг таркибини оптималлаштиришни таркибий моделини ёзиш учун, қуйидаги белгилашларни киритамиз:

j -экин турлари; $j=1,2,3,...,n$

i - ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури; $i=1,2,3,4,...$

C_{ij} - j -экин тури бўйича 1 га экин майдонидан олинадиган фойда;

x_j - j -экин тури майдони, га;

S - хўжалик бўйича жами экин майдони ;

S_{min} -j-экин тури бўйича ажратиладиган минимал экин майдони ;

S_{max} -j-экин тури бўйича ажратиладиган максимал экин майдони ;

$v_{j \min}$, $v_{j \max}$ -айрим экин турларини, умумий майдон йиғиндисига нисбатан, фоизда ифодаланган салмоқини минимал ва максимал кўрсаткичлари;

a_{ij} -j-экин тури учун сарф бўладиган i-чи ишлаб чиқариш ресурсларининг хажми (меъёри);

B_i - i- турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун, сарфланадиган мавжуд ресурслари хажми ;

W_{ij} - j- экин турлари бўйича ҳосилдорлик ;

Q_i -i-турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кафолатланган хажми ;

b_{ij} -j- экин тури бўйича 1 га майдондан i-маҳсулотдан олинадиган соф фойда ;

d_{ij} -j- экин тури бўйича 1 га майдонга i-маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажат ;

X_p - ўзгарувчи, хўжалик бўйича пул тушуми йиғиндиси, $p=n+1$;

X_t - ўзгарувчи,хўжалик бўйича қилинган жами харажатларни йиғиндиси. $t=n+2$

Масаланинг мақсад функцияси:

$$Z_{\max} = \sum C_j x_j \quad j=1,2,3,\dots,n; p=n+1; t=n+2$$

1) Экин майдонлари бўйича чеклашлар:

$$x_j \leq S ,$$

$$S_{j \min} \leq \sum x_j \leq S_{j \max}$$

2)Умумий экин майдонлари йиғиндисига нисбатан, айрим экин тури майдонларини фоизда ифодаланган салмоғи бўйича чеклашлар гуруҳи,

$$\sum_j x_j \geq v_{j \min} (\sum_j x_j) \text{ ёки } \sum_j x_j \leq v_{j \max} (\sum_j x_j)$$

3)Мехнат ресурслари бўйича чеклашлар шarti:

$$\sum a_{ij} x_j \leq B_i$$

4) Кафолатланган махсулот ишлаб чиқариш бўйича чеклашлар шarti:

$$W_{ij}x_j \geq Q_i$$

5) Пул тушумини баланси:

$$\sum b_{ij}x_j - x_p = 0,$$

6) Ишлаб чиқариш харажатлари баланси:

$$\sum d_{ij}x_j - x_t = 0$$

7) ўзгарувчиларнинг манфиймаслик шarti:

$$x_j \geq 0, x_p \geq 0, x_t \geq 0$$

Демак, масаланинг таркибий иқтисодий-математик моделини чеклашлар системаси, қуйидаги тенглама ва тенгсизликлардан иборат бўлади:

- умумий экин майдонлари бўйича, айрим экин майдонларини юқори ва қуйи чегаралари бўйича чеклашлар гуруҳи;
- экин турларига минерал ўғитлар сарфи бўйича чеклашлар;
- қишлоқ хўжалик махсулотларини режаларини бажарилиши бўйича чеклашлар гуруҳи;
- пул тушуми, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда йиғиндисини ифодаловчи чеклашлар гуруҳи.

Ушбу иқтисодий математик моделлар республикамізда экин майдонларини таркибини оптималлаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган моделларнинг жумласига кириб, ундан фойдаланилганда фермер хўжаликларида янада кўпроқ деҳқончилик махсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайди деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида келтирилган таркибий иқтисодий математик моделга асосланиб қўйилган масалани сонли иқтисодий математик модели тузилди ва компютерда ечилди. Олинган натижаларнинг тахлили навбатдаги бўлимда келтирилмоқда.

4.2. Ургут тумани экин майдонларининг таркибини оптималлаштириш масаласини сонли иқтисодий математик ва матрицали моделлари.

Масаланинг қўйилиши ва мақсадини ифодалаш. Бу параграфда Ургут тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида экин майдонларининг оптимал таркибини иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари асосида аниқлашни кўриб чиқамиз.

Масаланинг қўйилишини қуйидагича ифодалаш мумкин: Туман фермер хўжаликлари бўйича экин майдонларининг шундай оптимал таркибини аниқлаш талаб қилинадики, етиштириш режалаштирилаётган ўсимчилик маҳсулотларни сотишдан олинадиган фойдаси максимал бўлсин.

Қўйилган масалани, иқтисодий математик усуллар, моделлар ва замонавий ахборот технологиялари ҳамда компьютерлар ёрдамида, ПЭР амалий пакетлар дастуридан фойдаланиб ечиш натижасида ҳар бир экин тури бўйича: оптимал экин майдони; маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатлари; фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади.

Масалани оптималлик мезони қилиб: хўжаликда етиштирилган ўсимликчилик маҳсулотларини реализация қилишдан тушадиган пул тушуми; соф даромад, фойда ва бошқа шу каби иқтисодий кўрсаткичлари олинishi мумкин.

Ургут тумани экин майдонларини оптимал таркибини аниқлашда зарур кўрсаткичларни туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларидан фойдаланилади.(2илова 17-жадвал)

Туман фермер хўжаликларининг экин майдонларини оптимал таркибини аниқлаш учун қуйидаги бошланғич маълумотлар бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади: фермер хўжаликларининг ихтисослашганлиги; хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулот турлари; асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари; экинларнинг турлари бўйича экиладиган майдон кўрсаткичлари; хўжаликлардаги меҳнат ресурслари; ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг таннархи, сотиш баҳолари ва бошқа

аниқ манбалардан, илмий изланишларнинг ишланмалари натижалари, зарур меъёрий кўрсаткичлар олинади.

Ургут тумани фермер хўжаликлари ғалла, арпа, тамаки, сабзовот ва бошқа ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, умумий экин майдони 16395,8 гектарни ташкил қилади. Туман хўжаликларида меҳнат ресурслари 26732100 киши-кунни ташкил қилади. Фермер хўжаликлари режалаштирилаётган йилда: 304572,2 ц кузги буғдой; 2554,2 ц арпа; тамакининг измир навидан 93426,9 ц; басма навидан 18491,3 ц ; дүбек навидан 37094,4 ц ; 189810 ц картошка; помидор 52229 ц ; пиёз 39600 ц; бошқа сабзавотлардан 38686 ц; бир йиллик ўтлар 223720,8 ц; кўп йиллик ўтлар 48300 ц кўк масса тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Туман хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилмоқда.

Туман хўжаликлари бўйича экин майдонларини оптимал таркибини аниқлашда қуйида келтирилаётганларни эътиборга олиш талаб қилинади:

Туман хўжаликларида шаклланган экин майдонлари таркибига кўра ҳар йили ўртача: буғдойга экинларига 6621,2 гектар; арпага 59,4 гектарга; картошка учун камида 666 га; сабзавот экинлари учун кўпи билан 1361,8 га шундан помидор учун камида 181,5 га, пиёз учун камида 209,8 га, бошқа сабзавотларга эса 970,5 га; тамакига жами 6592,1 гектар шундан измир навига 3663,8 га, басма навига 1479,3 га, дүбек навига эса 1449 га; кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар учун кўпи билан мос павишда 902,1 гектар ва 193,2 гектар экин майдони ажратиб келинмоқда.

Келтирилган маълумотларга ва ўзгарувчи ҳамда чеклашларни белгилашларига таянган ҳолда масаланинг сонли иқтисодий математик моделини тузамиз:

Масалани сонли иқтисодий-математик моделини тузиш учун, ўзгарувчиларни қуйидагича белгилаймиз x_1 – тамакининг измир нави экиладиган майдон, га ;

x_2 - тамакининг басма нави экиладиган майдон, га ;

.....

x_9 – картошка экиладиган майдони, га ;

x_{10} - бир йиллик ўтлар экиладиган майдон, га ;

x_{11} - кўп йиллик ўтлар экиладиган майдон, га;

қўшимча ўзгарувчилар: S_i - чеклашлар шарты мазмунига кўра, ресурсларни фойдаланилмаган ва ортиқча қисмини ифодалайди;

Масаланинг мақсад функцияси туман фермер хўжаликлари бўйича олинадиган фойдани максималлаштириш олинади, яъни:

$$Z=905,2X_1+775,3X_2+958,4X_3+204,3X_4+200,4X_5+696X_6+631X_7+580X_8+1211,3X_9+160,4X_{10}+157,3X_{11} \rightarrow \max$$

Мақсад функциясининг номаълумлари олдидаги коэффициентлар қуйидагича ҳисоблаб топилади: бир центнер тамакининг измир навини сотишдан олинган фойдани бир гектардан олинган ҳосилдорликка кўпайтириб топилади($3550 \text{ сўм} \cdot 25,5 \text{ ц}$) $905,2$ минг сўмни ташкил этади. Номаълумларнинг олдидаги қолга барча коэффициентлар ҳам юқорида келтирилгандек аниқланади. 17–жадвалдаги чеклашлар тури ва ҳажми келтирилган устундаги рақамлар қуйидагича ҳисоблаб топилган: масалан тамакининг измир навининг ҳосилдорлиги гектарига $25,5$ центнерни ташкил этади. Тамакининг бу навига ажратилган экин майдони эса $3663,8$ гектардан иборат. Демак, туман бўйича($25,5 \cdot 3663,8$) $93426,9$ центнердан кам бўлмаган маҳсулот етиштириш талаб этилади. Қолган барча кўрсаткичлар шу каби аниқланади.

Юқорида келтирилганларга асосан масалани сонли иқтисодий математик моделини келтирамиз:

$$1) X_1+X_2+X_3+X_4+X_5+X_6+X_7+X_8+X_9+X_{10}+X_{11} \leq 16395,8$$

ушбу тенгсизлик туман фермер хўжаликларини экин майдонлари бўйича чеклашни ташкил этади ва унинг иқтисодий маъноси барча ўсимликчилик маҳсулотлари учун ажратиладиган экин майдонларининг ҳажми уларга ажратиладиган майдонлардан ошиб кетмаслигини кўрсатади. Худи

шундай фикирларни қуйида келтирилаётган чеклашлар учун ҳам айтиш мумкин. Шу сабабли уларни изохсиз келтирамиз.

$$2) 91X_1+90X_2+91X_3+82X_4+72X_5+66X_6+64X_7+66X_8+51X_9+ \\ +48X_{10}+50X_{11}\leq 26732100 \text{ (меҳнат ресурслари бўйича чеклаш)}$$

Туман ферме хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича чеклашлар:

Ўзгарувчиларнинг манфиймаслик шarti:

$$X_1\geq 0; X_2\geq 0; X_3\geq 0; X_4\geq 0; \dots X_{10}\geq 0; X_{11}\geq 0.$$

Масалани сонли иқтисодий математик моделидан фойдаланиб унинг матрицали модели тузилади. Масалани математик жихатдан қуйидагича қўйиш мумкин: номаълумларнинг шундай манфий бўлмаган қийматларини топиш талаб қилинадиги улар (1-13) чеклашлар шартларини тўлиқ қаноатлантирсин ва мақсад функциясига максимал қиймат берсин. Қаралаётган масалада номаълумлар сони 11 та бўлиб чеклашлар сони 13 тани ташкил этади. Масала компьютерда ПЭР дастуридан фойдаланиб ечилди ва олинган натижаларнинг таҳлили навбатдаги параграфда келтирилмоқда.

4.3. Туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлиги.

Олдинги параграфда келтирилганларга асосан ечилган масалани натижаларини таҳлиliga қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, масала бир неча вариантларда ечилиб, ишда биз улардан фақат учтасини келтириш ва таққослашни кўриб чиқдик. Энди олдинги айтилган фикримизни давом эттирамиз. Демак, биринчи вариант бўйича номаълумларнинг қўйидаги қийматлари ҳисоблаб топилди.

Буғдой учун 6621.2 гектар, тамаки учун Дюбек навига 1449 гектар, Измир навига 3663,8 гектар, Басма навига 1479,3 гектар, сабзавот учун 1361,8 гектар, картошка учун 666 гектар, арпа экини учун 59,4 гектар куп

йиллик ўтлар учун 193,2 гектар, бир йиллик ўтлар учун 902,1 гектар экин майдонлари ажратилган. Олинган ечимларни фермер хўжаликларини ҳозирги ишлаб чиқариши билан солиштирганда қўйидагилар кузатилди; тамакига Дюбек нави учун 1449 гектар хўжаликда ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин тури учун 1465 гектар экин майдони ажратилган бўлиб, ҳақиқатдагига нисбатан 16 гектар ер ортиқ ажратилган, Измир нави учун ҳақиқатда 3663,8 гектар ажратилган бўлиб оптимал вариантда тамакининг бу нави учун 3663,8 гектар ажратилган ва ҳақиқатдагига нисбатан 31,2 гектарга ошган. Тамакининг Басма нави учун туманда 1479,3 гектар ер майдони ажратилган бўлса оптимал вариантда бу нав учун 1495,4 гектар ажратилган бўлиб ҳақиқатдагига нисбатан 16,1 гектарга ошганлигини кўрамиз, Бу эса ўз навбатида тамакичилик туман учун муҳимлигини қишлоқ хўжалик экинлари майдонидан ажратилган ва оширилган. Ғалла халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун бу экиннинг майдони оширилган, яъни хўжаликда жорий йилда ғалла майдони 6621,2 гектар ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин турига 6635,4 гектар ер ажратилган ва 14,2 гектар кўп ер ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Сабзавот ва картошка экин майдонларини эса оптимал вариант бўйича қўйидагича бўлган. Сабзавот экин майдони фермер хўжаликлари ҳозирги ишлаб чиқариш структураси бўйича 1361,8 гектарни ташкил этган, оптимал вариантда эса бу экин турига ажратилган майдон 3,4 гектарга ошган. Картошка экинига эса хўжаликда 666 гектар ер ажратилган бўлса, оптимал вариантда 665,7 гектар ёки жорий йилга нисбатан 0,3 гектар кам экин майдони ажратилган.(19-жадвал)

Ургут тумани фермер хўжаликларини 2011 йил қишлоқ хўжалик йилидаги ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан олган ялпи фойдаси 9050930,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, математик моделлаштиришни қўллашдан олинган оптимал ечимларнинг I-варианти бўйича бу кўрсаткич 9111836,7 минг сўмни, II-варианти бўйича 9089683,6

минг сўмни ва III-вариантда 908273,3 минг сўм ялпи фойда олиши аниқланган. Ёки туманнинг ялпи фойдасига нисбатан I- вариантда 60906,6 минг сўм, II-вариантда 38753,5 минг сўм ва охирги вариантда 31801,2 минг сўм ошиқча фойда олишимиз мумкин бўлади. Энди фермер хўжаликлари етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 1 центнерини сотишдан олинган фойдани ўзгартирмаган ҳолда юқоридаги келтирилган оптимал вариантлар бўйича олинган ялпи ҳосилнинг фойдага ўзгаришини кўрамыз. Буни қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

21-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжаликлари жорий йилда маҳсулот сотишдан фойда олган. Лекин вариантлардаги натижаларни кўрадиган бўлсак маҳсулот миқдорининг камайиши фойдага салбий таъсир қилган. Масалан сабзавот экинларини қарайдиган бўлсак, у хўжаликларда жорий қишлоқ хўжалик йилида ҳақиқатда 398871,2 центнер етиштирилган ва сотилган. Оптимал вариантда эса (1-вариантда) 399867,1 ц. сотилган бўлиб, 2390,1 минг сўм фойда билан чиққан. Лекин маҳсулот миқдорини камайиши оқибатида (2-вариантда) эса фойда ҳақиқатдагига нисбатан камайганлигини кўриш мумкин. (21-жадвал)

Туманда тамаки ва буғдой сотишдан фойда олинган, лекин оптимал вариантларда ҳақиқатдагига нисбатан (1, 2 ва 3 вариантлар) хўжаликнинг оладиган фойдаси нисбатан юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни буғдой етиштириш барча келтирилган оптимал вариантларда хўжаликлар учун фойдали соҳа эканлигини айтиб ўтиш лозим. Жумладан буғдой сотишдан фермер хўжаликлари жорий йилда 1504601,5 минг сўм фойда олган бўлса, 1- вариантда 3226,8 минг сўм , 2- вариантда эса 2272,4 минг сўм, 3-вариант бўйича 1522,5 минг сўм ошиқча фойда олган.

Тамаки сотишдан туман фермер хўжаликлари жорий қишлоқ хўжалик йилида Дюбек навидан 1394007,6 минг сўм, Измир навидан 3316655,0 минг сўм ва Басма навидан 1102818,2 минг сўм ялпи фойда билан чиққан бўлса оптимал вариантларда: 1- вариантда Дюбек навидан 15392,8 минг сўм, Измир навидан 28243,8 минг сўм ва Басма навидан

12002,6 минг сўм 2-вариантда Дюбек навидан 18471,3 минг сўм, Измир навидан 8328,3 минг сўм ва Басма навидан 10586,1 минг сўм ва 3-вариантда Дюбек навидан 9620,5 минг сўм, Измир навидан 10772,5 минг сўм ва Басма навидан 13419,0 минг сўм ортиқча фойда билан чиққан. Жами тамаки махсулотларидан 1-вариантда 55639,2 минг сўм, 2-вариантда 37385,7 минг сўм, 3-вариант бўйича эса 33812 минг сўм ошиқча фойда олганлигини кўраммиз.

Олинган оптимал ечимлар ичида тумандаги фермер хўжаликлари учун энг макбули сифатида 1-вариантни келтириб ўтиш мумкин. Бу вариант бўйича фермер хўжаликларида жорий йилдагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 60906,6 минг сўм ортиқча фойда билан чиққанлигини кўраммиз. Бу вариантда буғдой етиштириш фермер хўжаликларида нисбатан яъни 3226,8 минг сўм фойда кўрган бўлса, аслида бутун ўсимликчилик соҳаси бўйича фойда билан якунланган. Агарда олинган оптимал вариант ечимларига иқтисодий самарадорлик нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак хўжаликлар учун картошка ва бошқа турдаги сабзавот экинларини етиштириш ҳам рентабелли эканлигини кўришимиз мумкин.

Оптимал вариантлар бўйича олинган натижаларни таҳлилини қолган экин турлари бўйича келтириб ўтмадик, қолаверса улар ҳақида ҳам юқоридаги гапларни келтириб ўтиш мумкин.

Демак, сотилган махсулот миқдорининг камайиши натижасида, махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси камаяди. Хуллас сотилган махсулот миқдори билан олинган фойда ҳажмини орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Демак сотилган махсулот миқдори ошса олинган фойда ҳам ошади, камайса— камаяди.

Хўжаликлар бўйича махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда сўммасининг ўзгариши бевосита тўртта омил ҳисобига юзага келади, улардан биринчиси сотилган махсулотлар физик миқдорининг ўзгариши ҳисобига, иккинчиси, сотилган махсулотлар таркибининг ўзгариши ҳисобига, учинчидан, махсулот бирлигини (1 ц. махсулотнинг) ўртача

сотиш баҳосини ўзгариши ҳисобига ва тўртинчидан, маҳсулот бирлигининг (1 ц. маҳсулотнинг) ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ҳисобига. Фойда ошиб борган сари ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш яхшиланиб боради, натижада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий манфаатдорликни ошириш каби жараёнлар ўсиб боради. Шунинг учун фойда ҳажмини омилли таҳлилини узлуксиз ташкил этиш зарур. Бу эса ўз навбатида мавжуд имкониятларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни белгилайди.

V. Хаёт фаолияти хавфсизлиги

Ҳозирги вақтда инсон-табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатар дунёсида ишлайди. Шу хавф-хатарлар натижасида жуда кўп инсонлар ҳаётдан кўз юмадилар.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб улар ҳаётда учрайдиган ақлий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Ишчиларни хавфли ва зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастлабки материаллар ярим маҳсулотлар ва чиқинди ишлаб чиқариши билан бевосита алоқасини йўқотиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд жойларни комплекс автоматлаштириш ҳамда механизациялаш, технологик жараёнларда назорат ва бошқариш тизимини ўрнатиш даркор. Бу ишловчиларнинг ҳимоясини ва ишлаб чиқариш жараёнларининг авария ҳолатда ўчирилишини таъминлайди.

Ишлаб чиқаришда ишлашга рухсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт.

Машина ва трактор ёки агрегатда авария ҳолатидаги иш режимида мўлжалланган ҳимоя қурилмалари бўлмаса, бундай машина ишга яроқли эмас деб ҳисобланади.

Хавфсизликни таъминлаш йўллари кўп. Уларни белгиларга караб бир неча синфларга ажратиш мумкин, масалан, юналтирувчи, техник, ташкилий, бошқарув.

а) йўналтирувчи белгилари: аператорнинг фаолиги; иқтидори, тузилиши тартибсизланиши хавфни камайтириш.

б) техник белгилар: блокрафкалаш; вакумлаш, герметиклаш; масофа билан химоялаш; маҳкамлаш; тўсиқлар орқали химоялаш ҳаракатларни секинлаштириш.

с) ташкилий белгилари: вақт билан химоялаш; ахборот; захиралаш; мос келмаслик; меъёрлаш; ходимлар танлаш; эргономиклик.

д) бошқарув: мослик; назорат; қарши алоқа; жавобгарлик; режалилик; раҳбатлантириш; самарадорлик; бошқариш.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жихозланганлиги яъни унинг техника билан ва технологияларнинг такомиллаштириб туриши ишлаб чиқариш жараёнининг интенсифлашуви програмлаштириш, ҳосилнинг юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлича (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (қаттиқ, суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги йиғиштирилаётган ҳосилнинг об-ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олиш керак.

Меҳнат муҳофазаси бўлиши ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мутахассисликга тегишли асосий назарий қисмини ўрганади. Аниқ муаммолар, транспорт воситалари технологик жараёнлар, иш турлари, чорвачилик, бино ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминлаш. Ҳар бир фаннинг мутахассислик курсларида берилади. Ҳар қандай хўжаликга корхоналарга етказиб бериладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги машинаси, агрегати, механизм ва ускуналари бахтсиз ходисаларнинг олдини оладиган замонавий химоя воситалари билан жихозланади.

Хулосалар

❖ 2011 йилда давлатга 304575,2 ц. ғалла сотилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 8245,3ц га ошган. Давлатга сотилган ғалла миқдорининг 8245,2 ц га кўпайиши натижасида ғалла сотишдан олинган жами фойда 29435,5 минг сўмга кўпайган. Ўртача сотиш баҳосининг 5700 сўмга ошиши натижасида жами фойда суммаси 1736078,6 минг сўмга ошган, аммо таннархнинг ошиши фойдага салбий таъсир қилди. 1 ц. ғалла таннархи 20130 сўмдан 24460 сўмга кўтарилиб, у 4330 сўмга ошган, натижада ғаллани сотишдан олинган жами фойда 1318810,6 минг сўмга камайган.(8-жадвал)

❖ Туман хўжаликларида етиштирилган тамакининг кўп қисми, яъни деярли ҳаммаси сотилган. Тамакининг Дюбек навини сотишдан 2011 йилда 774531,1 минг сўм 2010 йилда эса 637493,5 минг сўм даромад олган, яъни пул тушуми 137037,6 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида тамаки миқдори билан сотиш баҳосини таъсири остида келиб чиққан. (13-жадвал)

❖ Сотилган тамаки миқдори 34108,8 центнердан 37094,4 центнерга ошган, яъни 2985,6 центнерга тамаки кўп сотилган, натижада пул тушуми 55800,9 минг сўмга ошган. Ўртача сотиш баҳоси 18690 сўмдан 20880

сўмга кўтарилган, яъни баҳо 2190 сўмга ошган. Баҳони ошиши туфайли пул тушуми 81236,7 минг сўмга ошган. (13-жадвал)

❖ Ҳақиқатда туман бўйича экин турларига қуйидагича экин майдонлари ажратилган: буғдой учун 6621,2 гектар, тамаки учун Дюбек навига 1449 гектар, Измир навига 3663,8 гектар, Басма навига 1479,3 гектар, сабзавот учун 1361,8 гектар, картошка учун 666 гектар, арпа экини учун 59,4 гектар қўп йиллик ўтлар учун 193,2 гектар, бир йиллик ўтлар учун 902,1 гектар. (19-жадвал)

❖ Олинган ечимларни фермер хўжаликларини ҳозирги ишлаб чиқариши билан солиштирганда қуйидагилар кузатилди; тамакига Дюбек нави учун 1449 гектар хўжаликда ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин тури учун 1465 гектар экин майдони ажратилган бўлиб, ҳақиқатдагига нисбатан 16 гектар ер ортиқ ажратилган. (19-жадвал)

❖ Измир нави учун ҳақиқатда 3663,8 гектар ажратилган бўлиб оптимал вариантда тамакининг бу нави учун 3663,8 гектар ажратилган ва ҳақиқатдагига нисбатан 31,2 гектарга ошган. Тамакининг Басма нави учун туманда 1479,3 гектар ер майдони ажратилган бўлса оптимал вариантда бу нав учун 1495,4 гектар ажратилган бўлиб ҳақиқатдагига нисбатан 16,1 гектарга ошган. (19-жадвал)

❖ Ғалла халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун бу экиннинг майдони оширилган, яъни хўжаликда жорий йилда ғалла майдони 6621,2 гектар ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин турига 6635,4 гектар ер ажратилган ва 14,2 гектар қўп ер ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. (19-жадвал)

❖ Сабзавот экин майдони фермер хўжаликлари ҳозирги ишлаб чиқариш структураси бўйича 1361,8 гектарни ташкил этган, оптимал вариантда эса бу экин турига ажратилган майдон 3,4 гектарга ошган. (18-жадвал)

❖ Картошка экинига хўжаликда 666 гектар ер ажратилган бўлса, оптимал вариантда 665,7 гектар ёки жорий йилга нисбатан 0,3 гектар кам экин майдони ажратилган.(19-жадвал)

❖ Ургут тумани фермер хўжаликларини 2011 йил қишлоқ хўжалик йилидаги ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан олган ялпи фойдаси 9050930,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, математик моделлаштиришни қўллашдан олинган оптимал ечимларнинг I-варианти бўйича бу кўрсаткич 9111836,7 минг сўмни, II- варианты бўйича 9089683,6 минг сўмни ва нихоят III - вариантда 908273,3 минг сўм ялпи фойда олиши аниқланган. (21-жадвал)

❖ Туманнинг ялпи фойдасига нисбатан I- вариантда 60906,6 минг сўм, II- вариантда 38753,5 минг сўм ва охириги вариантда 31801,2 минг сўм ошиқча фойда олинган.(21-жадвал)

❖ Сабзавот экинларини фермер хўжаликларда жорий қишлоқ хўжалик йилида ҳақиқатда 398871,2 центнер етиштирилган ва сотилган. Оптимал вариантда эса (1- вариантда) 399867,1 ц. сотилган бўлиб, 2390,1 минг сўм фойда билан чиққан, маҳсулот миқдорини камайтириши оқибатида (2 вариантда) фойда ҳақиқатдагига нисбатан камайган.

❖ Буғдой сотишдан фермер хўжаликлари жорий йилда 1504601,5 минг сўм фойда олган бўлса, 1- вариантда 3226,8 минг сўм ошиқча ва 2-вариантда эса 2272,4 минг сўм, 3-вариант бўйича 1522,5 минг сўм ошиқча фойда олган.

❖ Тамаки сотишдан туман фермер хўжаликлари жорий қишлоқ хўжалик йилида Дюбек навидан 1394007,6 минг сўм, Измир навидан 3316655,0 минг сўм ва Басма навидан 1102818,2 минг сўм ялпи фойда билан чиққан.

❖ Оптимал вариантларда: 1- вариантда Дюбек навидан 15392,8 минг сўм, Измир навидан 28243,8 минг сўм ва Басма навидан 12002,6 минг сўм 2-вариантда Дюбек навидан 18471,3 минг сўм, Измир навидан 8328,3 минг сўм ва Басма навидан 10586,1 минг сўм ва нихоят 3- вариантда

Дюбек навидан 9620,5 минг сўм, Измир навидан 10772,5 минг сўм ва Басма навидан 13419,0 минг сўм ортиқча фойда олган.

❖ Туман фермер хўжаликларида жами тамаки махсулотларидан 1-вариантда 55639,2 минг сўм, 2-вариантда 37385,7 минг сўм, 3-вариант бўйича эса 33812 минг сўм ортиқча фойда олинган.

❖ Оптимал ечимлар ичида тумандаги фермер хўжаликлари учун энг макбули сифатида 1-вариантни келтириб ўтиш мумкин. Бу вариант бўйича фермер хўжаликларида жорий йилдагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 60906,6 минг сўм ортиқча фойда билан чиққан. Бу вариантда буғдой етиштириш фермер хўжаликларида нисбатан яъни 3226,8 минг сўм фойда кўрган бўлса, аслида бутун ўсимликчилик соҳаси бўйича фойда билан яқунланган.

Таклифлар

➤ Туман ғаллачилигида жами фойдани ошиши махсулот миқдари ошиши ва бахонинг ошиши ҳисобига бўлган. Агар таннарх 2010 йил даражасида ўзгармасдан қолганда эди ялпи фойда 1504601,5 минг сўм ўрнига 2823412,1 минг сўмга ошган бўларди. Демак туман хўжаликларини ғаллани сотишдан олиадиган фойдасини янада ошириш мумкин бўлар эди.(8-жадвал)

➤ Туман ғаллачилигида рентабеллик даражаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2,5 % га ошганган. Бу ўзгаришга баҳо ижобий, таннарх салбий таъсир қилган. 1 ц. ғаллани ўртачи сотиш баҳоси 2011 йилда 29400 сўмни ташкил қилиб 2010 йилга нисбатан 5700 сўмга ошган. Бу ошиш ўз навбатида ғаллачилик соҳасининг рентабеллигини 28,3 % га ошишига олиб келган, аммо таннархнинг қимматлашиши рентабелликни пасайтирган. 1 ц. ғаллани ўртача таннархи 2010 йилдаги 20130 сўм ўрнига 2011 йилга келиб 24460 сўмни ташкил қилиб у 4330 сўмга қимматлашган, натижада ғаллачилик рентабеллиги шу омил ҳисобига 25,9 % га пасайган.

Демак рентабелликни ошириш учун таннархни пасайтириш ва махсулот сифатини ошириш зарур.

➤ Туман тамакичилигида пул тушумини ошиши асосан сотилган тамаки миқдорининг ва бахонинг ошиши оқибатида туман хўжаликлари ялпи фойдасининг кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилган. Икки омилнинг ижобий таъсири остида пул тушуми 81236,7 минг сўм ошган, демак, пул тушумини кўпайтириш резервлари бўлиб, биринчидан унинг миқдорини ошириш бўлса, иккинчидан янада сифатини ошириш ҳисобига баҳосини кўтариш мақсадга мувофиқдир.

➤ Туман тамакичилигида жами фойдани ошиши махсулот миқдари ва бахонинг ошиши ҳисобига бўлган. Агар таннарх 2010 йил даражасида ўзгармасдан қолганда ялпи фойда 139400,8 минг сўм ўрнига 206022,3 минг сўмга ошган бўлар эди.

➤ Туман фермер хўжаликларида ўсимчилик махсулотлари ишлаб чиқаришни ананавий қўлланилиб келинаётган усулларни инкор этмаган ҳолда самарадорлигини янада оширишда иқтисодий математик усуллар, моделлар, замонавий ахборот технологиялари ва компьютерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

➤ Туманда ўсимликчилик махсулотлари ишлаб чиқаришни янада ошириш учун математик моделлар ёрдамида тавсия этилган экин майдонларининг таркибига қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқдир;

➤ Олинган оптимал вариант ечимларига иқтисодий самарадорлик нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак хўжаликлар учун картошка ва бошқа турдаги сабзаёт экинларини етиштириш ҳам рентабелли эканлигини кўришимиз мумкин, демак туманда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

➤ Фермер хўжаликларида ўсимликчилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ялпи фойдани ошириш учун:

➤ а) экин майдонларини таркибини оптималлаштириш ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтириш ва уни хўжаликлар учун кўпроқ фойда берадиган бозор баҳоларида сотиш;

➤ б) маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга эришиш. Мавжуд барча чекланган ресурслардан: минерал ва маҳаллий ўғитлар, муқобил МТП, ёқилғи ва мойлаш материаллари, уруғликлар, кўчатлар ва бошқа шу кабилар билан таъминлашни йўлга қўйиш, уларни хўжаликларга сотиш баҳоларини табақалаштириш, мутаносибликларга барҳам бериш мақсадга мувофиқдир.

➤ Хўжаликларни кўп тармоқлигини инобатга олиб алмашлаб экишни илмий асосда ташкил этишни йўлга қўйиш, натижада ерни унимдорлигини оширишни таъминлаш зарур;

➤ Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари раҳбарлари нафақат танланган бир йўналиш бўйича балки деҳқончилик, чорвачилик, иқтисодиёт асосларидан етарлича билимларга эга бўлишлари билан бирга ҳозирги авлод компьютерларни ўз фаолиятларига қўллаш асосларидан ҳам етарли даражада билим, кўникма маҳоратларга эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

➤ Фойда ошиб борган сари фермер хўжаликлари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, натижада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, халқимизни моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятлари яратилади. Бунинг учун хўжаликларимизда фойдани оширишни узлуксиз ташкил этиш зарур. Бу эса ўз навбатида мавжуд имкониятларни аниқлаш, ишга солиш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

➤ Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда туманда, муқобил ММТП ларда катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаш, сақлаш(маълумотлар базасини яратиш), қайта ишлаш, узатиш ва бошқа шу каби кўплаб маълумотларни автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

➤ Муқобил ММТПларда замонавий компьютерларда бемалол ишлайдиган, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва уларни ўз фаолиятида тўлиқ қўллайдиган, мавжуд амалий дастурлар мажмуаларидан фойдалани оладиган мутахассисларнинг бўлишлиги ҳамда уларни вақти-вақти билан бу борада малакаларини ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 08.12.1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. – Т.: 30.04.1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: 21.12.1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда). – Т.: 26.08.2004.

II. Президент асарлари

5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон. 2009.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс еттириш. -Т.: Ўзбекистон. 2009.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида /— Т.: «Ўзбекистон», 2011. —440 б.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ етишдир. -Т.: Ўзбекистон. 2005.
10. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи.-Т.: Ўзбекистон,1998.-64 б.
11. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлаби.//Zarafshon. 21.01.2012. №8 (22.009).

III. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

12. Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Миллий иқтисодда ахборот технологиялари. -Т.: «Шарқ». 2004.-320 бет.
13. Абдукаримов Д.Т. Умурзоқов Э.У. Тамакичилик.- Тошкент.:«Мехнат» 2005.-176 бет.
14. Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми. Монография.-Т.: Фан, 2009.- 350 б.
15. Ахроров Ф. Тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияси.-Самарқанд.: 2006.

16. Блаж И.Д. Экономико-математическое методы и модели. -М.: Дело И Сервис, 2006.-288 стр
17. Беркинов Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. - Т.: Фан, 2007.-280 б.
18. Гатаулин А.М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш системасида математик усуллар.-Т.: «Мехнат»,2008.-292 б.
19. Жўраев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.-Т.:«Истиқлол», 2004.-344 б.
20. Замков О. ва бошқалар. Математические методы в экономике. Москва, «Дело и сервис», 2009.-368 б.
21. Исмаилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Шарқ. 2005.-436 б.
22. Исмоилов А.А., Рихсимбоев О.Қ. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.
23. Каюмов Н. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жарвёнларини эконометрик тадқиқоти. Монография , -Т.: Фан,2010.-330 б.
24. Кравченко Р.Т. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. –М.: Дело и сервис,2005.-592 б.
25. Мўминов Ш.Р Иқтисодий математик моделлар ва усуллар.- Т.:Иқтисод-Молия,2007.-384 б.
26. Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий асослари. –Тошкент.: «Университет», 2005.-212 б.
27. Орипов Р.О. , Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик . Дарслик. - Самарқанд 2009.-340 б.
28. Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий математик усуллар ва моделлар. –Самарқанд.: 2006.-152 б.
29. Урдушев Х. Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида ИМУ ва моделлар, -Самарқанд.: 2006.-248 б.

30. Федосеев В. Экономико-математические методы и прикладные модели.-Москва.: ЮНИТИ, 2009.-392 б.
31. Қудратов Т.Қ. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили.- Самарқанд.: 2009.-180 б.
32. Қудратов Т.Қ., Файзиева Н. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати.-Самарқанд.:2010.-256 б.
33. Қудратов Ғ. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар. Монография. -Т.:2010й.-250 б.
34. Қўчқоров А., Мизрапов Ў. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда математик методлар. –Тошкент.: Ўқитувчи, 2008.-210 б.
35. Цеддис Ю и др. Экономика сельскохозяйственных предприятий. –Москва.: Издательство МСХА,2008-400 б.
36. Шодмонова Г. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар.-Т.: Мусиқа,2007.-184 б.

IV. Журналлардаги мақолалар

37. Алиқулов А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009. №11. 31-32 б.
38. Ахроров Ф., «Дюбекдан Измирга» «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. 2005 йил.№7.38-39 б.
39. Ахроров Ф. Муртазаев О., Жонибеков Ф. “Проблемы повышения рентабельности производства технических культур в хозяйствах Узбекистана». Материалы международной научной конференции. Декабрь 2001. МСХА .-Москва. 2002.стр. 155-158.
40. Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №5. 30 б.
41. Жўраев Ф.Ж. ва бошқалар. Фермер хўжаликларининг айрим ташқи иқтисодий хўжалик юритиш механизмларидан фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар.// «Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг устивор йўналишлари». Республика илмий-амалий анжумани. 28-29 июн 2005 й. Фарғона. 2005й.-160-162 бетлар.

42. Муртозоев О. ва бошқалар. Рентабелликни ошириш мумкинми?// Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали. 2008. № 5.34 б.

43. Муртозоев О., Абдуҳакимова Р. Рентабеллик.// Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали. 2007. № 6. 25-26 б.

44. Эргашев А. Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009. №7. 26 б.

V. Интернет сайтлари

45. www.samqxi.uz

46. www.dehqon.uz

47. http://linux.manas.kg/books/how_intranets_work/ch32.htm

48. <http://www.rbk.ru>

49. <http://www.ziyonet.uz>

50. www.cottonontbook.com

51. www.edu.uz

52. www.Usda.gov

53. www.agrobusiness.ru

54. www.Fermerskoexozyastvo.ru

55. www.agro.ru

